

КЎНГИЛЛАРГА ЁРУҒЛИК КИРСИН...



Нотариал идоралар ишини купчилик деярли бир хилда тасаввур қилишади. «Ҳужжатларинг туғри булса бас, нотариус муҳр қўйиб тасдиқлайди. Ишинг битгани шу», дея уйлашади. Мен ҳам бу идорага кириб борганимда худди шундай фикрда эдим. Дастлаб гавжум хоналар, столга мук тушиб, берилиб ишлайётган ходимлар, жавонларга ҳафсала

билан терилган қоғоз тула папкалар эътиборимни тортди. Бу қалин папкаларда нималар сақланар экан?» деган уйлар ҳаёлимдан кечди. Лекин, шу куни бу ердаги ишлар билан бироз танишгач, фикрларим анча узгарди. Нотариал идора иши биз уйлаганчалик оддий иш эмас экан.

Суҳбатдошим — Тошкент шаҳрининг Юнусобод ту-

манидаги 1-сонли давлат нотариал идораси муҳрдо-ри Озода он Сотволдиева менга уз ишлари ҳақида сўзлаб бердилар.

— Вазифамиз масъулиятли албатта. Чунки, турли-туман ҳужжатларни расмийлаштириш, масалан машиналар, турар жой ва шу қабиларнинг олдидоти ҳужжатлари, ҳозирги давр талаби билан куп-

лаб очилаётган ҳар хил корхоналар ҳужжатларини расмийлаштириш, турли васиятномалар, мерос ҳужжатларини расмийлаштириш каби юмушлар биздан билимдонлик ва ута хушёрликни талаб қилади. Биз яна нотариал ҳаракатларни бажариб қолмай, халққа қўшимча юридик хизматлар ҳам кўрсатиб борамиз. Чунки ҳар бир

киши нотариал идоралар иши билан танишиб, янги қонун-қоидалардан хабардор бўлиб, уз ҳақ-ҳуқуқини билиб юрса албатта яхши бўлади. Акс ҳолда купгина тушунмовчиликлар рўй бериши мумкин.

(Давоми 2- бетда)

Мирсодиқов Миробид олган сурат

УШБУ СОНДА

Бугуннинг
гапи

Ифтихор
қилдек...

Ҳатто
кечирим
сўрашмади

Сизга
оналик
сўзим

Тўйимиз
яхши
ўтди

Дил
изҳори

Лақаби
борми?

2-бет

3-бет

4-бет

5-бет

6-бет

7-бет

8-бет

БУТУННИНГ ТАПИ

АЁЛ ҚАДАРИ

Республикаимиз шаҳар ва қишлоқларида Конституциямизнинг 6 йиллик байрами кўнгил ишонланди. Конституция кўни муносабати билан пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Президентимиз Исрол КАРИМОВ 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон қилди.

этиш нақадар қийин. Ер юзиде ҳаётни кукартирувчи ва яшнатурчи аёл бор экан — дунё бор, ушш, ривожланиш, гуллаш, яшаш, яшарли харажани тухтамай давом эттаверади.

Лекин мен бежизга гапни инсоний қадр-қимматдан бошламадим. Шу уринда дилимининг қат-қатларида бир тилани туйдим. Модомики, юртимизнинг бутун бир йили Аёлга-Онага бағишланар экан — унинг қадри яна ҳам баяндалар кутарилса — унинг шаъни, ҳурмати фақат қушугу шөврлар, маросиму маъракаларда эмас, кундалик ҳаёт тарзимидада чукрурин олса, оддий, одатий расм-русум тарзига кирса... Ва бу ҳолат фақат бир йил оралигида давом этиб қолмай, ҳаётимизда ҳақиқатликка мустаҳкам қарор топса... Келажакимиз эгалари фарзандларимиз ва ҳаётимиз посбонлари — эркакларимиз Аёлга — Онага

меҳр-муҳаббат назари билангина эмас, шафқат-шафоат назари билан ҳам қарашса... Узини тағилан аҳлиқиларни эзгага ҳам тилаш лозимлиги муслимончилигимизнинг асл шартларидан биридир. Ҳамма жойда-ойлада, маҳалла-қуйда, қорхонада, жамиятда Аёлга нисбатан муносабат ана шу қоида асосида шакллана, барқарор этилса. Аёл саломатлиги, ҳақ-ҳуқуқи, тинчлик-ҳотиржамлиги муҳофаза этилса, турмуши юқори даражага кутарилса. Аёл зиммасига ҳаддан зиёд юклар қуйилган бурчу вазифалар, юмушлар унинг энг яқин кишиси-эри томонидан бир қадар енгиллатилса, унинг гузаллиги, ёшлиги асраб-авайланса...

Шу муносабат билан, минг бора аёлларга, она-синиларимизга ва шу жумладан узимга қарата айтмоқчи бўлган

қалб сўзим ҳам бор.

Азиз аёллар! Энг аввало уз қадримизни узимиз биланлайлик. Ватанимиз гуллаб-яшнаши, хонадонимизнинг бахту саодатга эришувида бизнинг меҳнатимиз, тадбиркорлигимиз, фидойилигимиз нақадар зарурий шартлардан бири эканлигини унутмайлик-да, ғайрат камарини маҳкам боғлайлик. Узимизга тиланган эзуқиларни эзга аёлларга ҳам тилайлик. Узга аёл нойил бўлган бахтга нечун мен ҳам нойил бўлма эканман, дея бир-биримизга ҳасад қилиб эмас, ҳавас қузи билан қараб яшашига урганайлик. Унутмайликки узга аёл, узга она бахту саодатини поймол этиш эвазига, унинг қаргилу куз ёшлари эвазига қурилган оилада кунгил ҳеч қачон роҳату осойиш топмайди.

Унутмайликки, сабру қаноатли, орияту диенатли, соф

нийатли Аёл-онанинг чеҳраси ҳам ёруғ, тақдирини ҳам ёруғдир.

Аёл умри... У қисқами ё узунми? Умуман аёл умри мазмун қисқа ва ё узунлиги билан белгиланадими? Бу саволга дарҳол тезлик билан жавоб бериб қўя қолиш нақадар қийин... «Мен ҳафас олиб нафас чиқаргунча бўлган муддатда не қўйга тушаман-тирикманми ё йўқми, кафолат бера олмайдми», деган экан улугларимиздан бири. Бу биз яшаётган, нафас олаётган, қувонаётган ва ё азоб чекаётган ҳаётнинг ғанимат эканлигига, бунинг учун беҳад шукроналик қилишимиз лозимлигига бир кичик ишора эмасми?

Умримизга умр бўлиб қўшилиш учун ҳузуримизга оқшиқиб, яқинлашиб келаётган бутун бир йил Президентимиз томонидан «Ўзбекистон аёллари йили» — деб эълон қилинди. Келинг, бу ҳосиятли йилнинг қишу баҳорлари, ёзу қушлари, қувончлари ва албатта ташвишлари ҳам ёруғ, ёрқин юз билан, дилдаги пок ният билан пешвоз чиқайлик, бу йилда аҳлиқил ҳамоҳушимиз бўлсин.

Дилбар САИДОВА

(Боши 1 бетда)

Мол-мулк васияти туғрисида гапирсам, Ғуқаро уз яқин кишисига мол-мулкни васият қилиб қолдирмоқчи бўлса, аввало у ёзма васиятномани зарур ҳужжатлар билан идорамизга топшириши керак. Агар васият қилувчи киши оғир бемор бўлса, унинг бирор яқини бу ҳақда нотариал идорага хабар бериши лозимдир. Шундай ҳолларда нотариал идора ходими васиятномани беморнинг уйига бориб расмийлаштириб беришга ҳақли. Бордин, бемор васиятномага имзо чекиш имконига эга бўлмаса (қуллари ишлайми қолган ҳолатда) бу ишни унинг бирор яқини амалга оширади.

— Озода опа, айтаялик, киши тўсатдан аҳволи оғирлашиб қолди ёки шундай ҳол касалхонада юз берди, ва нотариал идора хизматидан фойдаланишга улгуролмади. Ана шундай ҳолатда васиятнома қандай расмийлаштирилади?

КЎНГИЛЛАРГА ЁРУҒЛИК КИРСИН...

— Ҳа, беморнинг аҳволи фавқуллоҳда ёмонлашиб, нотариал идора хизматидан фойдаланиши қийин бўлиб қолмаган ҳоллар ҳам юз беради. Бу вақтда беморнинг бошида турган одам ёки у ётган касалхона бош врач бемор иштирокида унинг васиятномасини ўша жойининг уздаёвқ қонуний расмийлаштириш ҳуқуқига эгадирлар. Расмийлаштирилган васиятноманинг бир нусхаси эртасига албатта нотариал идорага етказиб берилиши зарур. Яна битта нарсани айтиб ўтай. Бахтсиз ҳодисалар туфайли дунёдан куз юмган кишиларнинг фарзандлари отасидан ҳеч қандай васиятнома қолмаган эса-да, барибир олти ой ичида нотариал идорага ариза билан мурожаат этишлари лозим. Чунки, мерос билан боғлиқ ишлар бироз мураккаб, у баъзан оға-инилар уртасида кўнгилсизликларга ҳам са-

баб бўлиши мумкин. Нотариал идора ходими ҳал, бу сингари муаммоларни эса, бунда эътибор қилиб олиш зарур. Ишларни қўйиб қўйиб беради.

— Аслида бировнинг мушкуллини осон этишдан қўра фахрлироқ юмуш йўқ, Озода опа! Сиз муҳрдорлик касбига қандай қизиқиб қолгансиз?

— Институтда ўқиб юрган кезларимдаёқ шу касбга меҳрим тушган эди. Энг қийиналган кезларимда ҳам касбимга бўлган иштиёқим, одамлар билан ишлаш менга руҳий мадад берган. Аслида ҳар бир киши ҳам касби устаси бўлганига қадар анча-мунча машаққат чекади, иродасини синовдан ўтказадилар. Баъзилар бундай синовларга дош бера олмади, дарҳол бошқа енгилроқ касб тағидан тўтишди. Баъзилар эса ишининг ипидан-игнасигада кўнл ва чидам билан урганишади. Хуллас, мен

бу касбда ишлаб кам бўлмадим, энг муҳими одамларнинг ҳурмат-эъззати, меҳрига сазовор бўлдим. Инсон учун энг катта бахт ҳам ана шу...

— Оилангиз ҳақида гапириб бering...

— Уч фарзанднинг онаси-ман. Улғим Бекзотжон айни вақтда Тошкент Юридик институтда ўқияпти. Қизим Жамилхон мактабнинг юқори синфиди, кичик ўғлим Лейда тахсил олаётди. Ҳаммалари одобли, илмга уч. Раҳматли дадалари жуда олижаноб, маданиятли киши эдилар. Қаттиқ бегоб бўлиб, сўнг унганмадилар. Ҳаётлигида доим болаларнинг келажакини уйларидадилар. Энди мен фарзандларимни у киши орзу қилгандай аjoyиб инсонлар қилиб вояга етказиш учун ҳаракат қилаётман.

— Илоё, ниятигизга етинг. Озода опа, анча йиллардан бери муҳрдорлик вазифасида ишлаб

келгансиз. Хизматларингиз учун унвонлар ҳам олгансизми?

— Билисизми, мен ҳар кун уйга қайтар эканман, биргина нарсани уйлайман. Бугун қанча кишининг ҳолатини қилардим? Қанча киши мендан миннатдор бўлди? Қай бири ҳузуримдан чиқаётди, чеҳраси ёришиб мен билан илиқ хайрлашди? Шу уйларида кўнглим тўлса, қувонаман. Демак, мен кимнингдир ҳаётига, кўнлига ёруғлик олиб қирибман. Мен учун энг олий унвон ана шу. Бундай унвонлар учун умримнинг охиригача тер тукиб ишлашга розиман...

— Ҳақ гапни айтдингиз. Инсон инсонга доимо керак. Дунёда инсон меҳрини қўзонтиришдан улгуроқ бахт йўқ. Сиз ана шундай бахтга сазоворсиз, Озода опа. Омон бўлинг.

Дилором МУРОДОВА сўзлашди.

Яхшилардан сўз очдик

УЛУҒ БАЙРАМ ШАРАФИГА

«ГУЛНОРА ОНА»НОМПИ ОИЛА МАРКАЗИ

Дунёда аёл учун фарзанддан жудо бўлишдан қўра оғир дард, қисмат бўлмаса керак.

Лекин натора, бу ҳаёт машҳум тасодифлардан ҳоли эмас. Гулнора опа айни борақ уриб ушиб келаятган угли Дониердан жудо бўлди. Ажаб бир қуркам, чиройли йигит эди. Доною зукко эди. Келажакни порлоқ эди. Лекин натора. Дарду ғам бир келса, қуша-қуша келади, деган гап бор. Гулнора онанинг ақин дусту маслаҳатини, турмуш урғини ҳам ўғли ҳасрату доғига чидолмай бу дунёни тарк этди... Мотам устига мотам... Гулнора опа сабот бардорш «ирт этиб ўзиб кетай-кетай» деган лаҳзадан ҳам бошидан кечирди, лекин атрофида парвона фарзандлари, неваралари, яқин одамлар меҳру муҳаббатидан қўч-қувват олди, қаймак ҳаёт қўчоғига қайтди. Қалбиди бир зигу ниҳти қатъий аҳд қилди, бу аҳди ҳаёти мазмунига айлантирди. Жўмонгар кетган ўғли ҳақу-ҳурмати билан кейинги ҳисобидан савоб ишларга сарф этади... Бўстониқ туғилганда узи маблаг ҳисобидан маҳт курдирди. Президентимиз томонидан 1998 йили «Ойла йили» деб эълон қи-

линган, унинг юрагида ҳам бир зигу ният туғилди. — «Ойла марказини ташкил этиб, уни қизларга қасбу ҳунар урғатаридан уқув-амалий даргоҳга айлантиради...

«Ойла марказининг биносини бунёд келтириш осон кўчади. Тошкент шаҳар ҳокимияти унинг бу ташаббусини моддий-маънавий қўллаб-қувватлади. Республика хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Ойла» илмий-амалий Маркази ҳам худди шундай йул тутишди.

Мана, ният, Республика Конституцияси байрами арафасида «Гулнора она» номи Ойла марказининг тантанали очилиш маросини бўлди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси уринбосари Гулнора Уйичева-нинг қўнчи кечис-ақир ўғли Дониер номи билан аталадиган кўчада унинг хотинрасига атаб тиланган даргоҳ энди қанақадан-қанча қиз-қўшларни бағрига олади, уларага ҳаққини ҳаёт сабоғини беради. Қимдир, қимдиргадир аҳлиқил қилиш, қалбларга зўғулик уруғини эши савобларнинг савоби эмасми...

М. Ибрагимова

Ахборот

ХОТИН-ҚИЗЛАР — ЕТАҚЧИ КҮЧ

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий кенгаши томонидан «Ойла йили» ва Конституция кўнига бағишлаб «Ўзбекистон хотин-қизларининг демократик-ҳуқуқий давлат қурилишидаги роли» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда республика Байналмилал маданият маркази раҳбари К. Расулов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д. Ғуломова, Ўзбекистон Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, «Ижтимоий фикр» жамоатчиллик маркази раҳбари Р. Убайдуллаева, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари уринбосари М. Нурматоваларнинг маърузалари тингланди.

Анжуман сўнггида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва Республика Байналмилал маданият маркази уртасида узаро фаолият шартномаси имзоланди.

Ўз мухбиримиз.

ИККИ БОШЛИ НОРАСИДА

Франс-Пресс агентлигининг хабар беришича техронлик 28 яшар ёш келинчақ икки бошли бола туққан. Бу шифокорларга бола дунёга келмасидан аввал маълум бўлган. Чунки дастлабки медицина куригида бола-нинг иккита юраги, иккита ошқозони, қушалоқ утқаси, икки умртқа поғонаси борлиги аниқланган.

Хозирги кўнда норасиданинг онаси туғруқхонадан чиққан саломатлиги яхши. Шифокорларнинг айтишларича, норасиданинг бири йилгача чоғда иккинчиси бамайилхотир улаб ётар экан. Шунга қўра ҳозир бир неча шифокор норасидани мажус куридан ўтказишмоқда. Улар бола узок яшайди дейишмоқда.

УН ИККИ ЁШЛИ ОНА

Бразилиялик ун икки ёшли Вероника Родригес эгизак қизнинг онаси бўлди. Эгизак қизнинг отаси — Паулу Маринью худ қушган қушгоғдан 12 ёш катта Улар ҳозир икки томон — ота-оналарнинг русати билан алоҳида яшади. Бироқ қизининг эрта турмушга чиқиб кетганига 33 ёшли онасига афсусланди. Унинг фикрича ушмирлари телевидендан курсатиладиган мажус эртотик фильмлар бузар экан. Жуда турги! (таржимон Т.К.). Бразилия соғлиқни савлаш министрлигининг маълумотига қараганда мамлакатда ҳар йили 12-17 ёшлар ўтасидида 1 миллион ёш қиз она бўлмоқда. Улар орасида эгизак норасида туғадиганлари жуда камдан-кам учрайдиган аjoyиб ҳодисадир.

ОЛТИ ОШҚОЗОНЛИ ОДАМ

Бенгаллик ўсмир Сикмар Дас оқат ёйиш масаласида олам рекорд-чиси ҳисобланади. У улзуски ҳар кун 80 қг ли ҳар хил таом билан тамадди қўлар экан. Унга ҳар кун қамиди 15 қг. нон, 2 қг. сариёғ ҳамда керегача савзавот маҳсулотлари ва мева зарур. Бундан ташқари у 15 литр сўт, 30 литр сув ҳамда бир челақ чой ичар экан. Шифокорлар унинг ҳаддан ташқари шундай қурандилигига ҳайрон қилишиб теширинганда Сикмарнинг олтида ошқозони борлигини аниқлаган. Бундай аjoyиб воқеанинг қандай бўлганлигини ҳамда бу ўсмирнинг қачонгача шу зайдда умр кечириши ҳақида ҳеч ким бир аниқ фикр айта олмапти.

Қидирбой ТУЛАБОЕВ тайёрлади.

ИФТИХОР ҚИЛДЕК, МАСЪУЛИЯТ ЗИЛДЕК

Келиб чиқиши Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо саллаллоху алайхи васалламга бориб тақаладиган сулолаю гуруҳларнинг адади, ёзма манбаларда қайд этилишича, турттадан саккизтагача боради. Булардан миёнлар авлоди алоҳида урин тутади. Миён ҳазратлар орасидан бир минг турт юз йилга яқин вақт мобайнида қанчадан-қанча олиму фузалолар, азиу авлиёлар етишиб чиққан. Масалан, қодирия тариқатининг асосчиси Ғавсул Аъзам Мухйиддин Саййид Абдуқодир Ғилоний, нақшбандия тариқатига асос солган Баҳоуддин Нақшбанд, тариқат билимдони валийуллоҳ Маҳдуми Аъзам Саййид Аҳмад Косоний, забардаст олим Имом Раббоний, фозил шоир Суфи Оллоёр ушбу муътабар авлоднинг айрим намойндадларидир, ҳолос.

Миёнлар ота томонидан чақорёрлардан халифа ҳазрати Умар-ул-Форукдан, она томонидан халифа Алийул — Муртазонинг аҳли авла — ри, Пайгамбаримизнинг сукули қизлари Фотима Заҳродан тарқалганлар. Миёнлар ун асрдан зиёд вақт мобайнида талай араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Шарқий Туркистон, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳамда илмий ҳаётида салмоқли рол уйнаб келганлар, бу ҳо

лат ислом мамлакатларида ҳозиргача давом этмоқда.

Миёнлар авлодининг тарихий хизмати шундаки, улар бутун ислом оламида илоҳий маърифатни тарғиб ва ташвиқ қилганлар, минглаб, миллионлаб кишиларнинг руҳий поклалишида бевосита иштирок этганлар, подшоҳу хонларни, ҳукмдору ҳокимларни, жамики ҳукмфармоларни инсофу адолатга даъват қилишда, халққа зулм қилмасликка, нафсоният кетидан югуриб беҳуда қон тўкмасликка қақирлишда жонбозлик қурсатганлар, исломий ва дунёвий илмлар равақига бебаҳо ҳисса бўлиб қушилган юз юзлаб асарлар яратганлар.

Бевосита Раббоний Соҳибзодалар авлоди асли мадиналик бўлиб, XIV асрда Ҳиндистонга кучиб утиб, аввал Дехл қиёиндаги Сирхинд шаҳрида, сунг Калкуттада яшаб фаолият қурсатганлар. Мазкур авлод намойндаларидан бир гуруҳу расмий тақлифга биноан Қўқон хонлигига келиб урнашди, кейинчалик Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига тарқалди. Авлодимиз шаҳараси XVI-XVII асрларда яшаб ижод қилган Имом Раббонийдан бошланади. Ул зоти бобаракот Пайгамбаримиз Мухаммад с. а. в. дан то ҳанузгача давом этиб келатган «Силсилаи шариф»даги 24-халқанинг пири қомили ҳисобланадилар, нақшбандия сулукининг машҳур ва маъруф муршидларидан бўлиб, исми шарифлари Аҳмад Форукий Сир

хандийдир.

Бобокалоним Имом Раббонийнинг мерос қолдириб кетган 10 жилдлик асарлари орасида турли диний масалалар муҳокамасига бағишланиб, устозу шоғирларга, турфа мансабдор шахсларга йўланган ва уч жилда жамланиб нашр этилган «Мактублар» (аслида «Мактубот») тўпламларидир. Исломи билим соҳибларидан таниқли турк олими Саййид

«Оила шаҳараси» танловига

Абдулҳакимнинг ҳолисона баҳосига кура: «Аллоҳнинг китобидан ва Расулulloҳнинг ҳадисларидан кейин исломий китоблардан энг афзали ва энг фойдалиси Имом Раббонийнинг «Мактубот» китобидир».

Аждодлари ислом динини кенг ёйишда ва уни қарор топтиришда ҳамда исломий ва дунёвий илмларни ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўша билганлари билан миёнлар оддий инсон сифатида дилларида ифтихор қилишади, албатта.

Миёнлар зиммасида шу ваздан зилдек огир, аммо шаърафли масъулият ётади. Бу, даставвал, қудсий ва муътабар аждодлари шаънига муносиб қомил мусулмон, яъни ўткинчи дунё аҳли ичра ётуқ ва баркамол инсон бўлиб етишиш масъулиятидир. Зеро, исломиятнинг асл моҳиятини

бандасини Тангри Таолога яқинлаштирадиган гузал ахлоқ ташкил этади. Бунинг учун миёнлар ўз нафсларига қарши доимий кураш олиб бориб, риёзат йўлидан одимлашлари, уларни учун тегишича сабоқ ола билишлари шарт. Миёнларнинг ҳозирги авлодига Аллоҳи азза ва жалла иқтидору қобилият ато этган бўлса, илм этагини маҳкам тутиб, ўз буюк авлодларининг аънавийи фаолиятини Мустақиллик шароитида давом эттириб бориб, асл ислом маърифатини илож борица кенг ёйишга интилиш масъулиятидир. Бунда фақатгина Ҳидоят йўли ҳақида суз юритиш билан кифояланиб қолмай, аини пайтда залолат кучасига кириб қолиш хавфхатарлари ҳақида ҳам жиддий огоҳлантириш зарур бўлади. Наманган вилоятида содир этилган даҳшатли жиноятлар қизил салтанат даврида мусулмонларимиз ислом маърифатидан узоқлашиб кетганлиги, ислом байроғи остида қадимдан то ҳануз ҳаракат қилиб келатган фирқаларнинг, жумладан ваҳобийларнинг аслида миллатимизнинг муқаддас этиқоди саналган аҳли суннат вал-жамоат ақидаларига баъзи бир жиҳатлардан бутунлай зид, бинобарин, ботил мазҳаб оқимлар эканлигидан беҳабар бўлганлари ҳамда бундан фойдаланиб қолишга уринган ташки қора қуларнинг қутқу си билан юз бергани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Вохоланки, жаноби Пайгам

баримиз асри саодат давридаёқ: «Умматини етмиш уч фирқага бўлингайди. Буларнинг ҳаммаси дузда ҳададир». Ило биттаси нажотдадир», дея башорат қилганларида саҳобалар: «Улар кимлардир, ё Расулulloҳ?» дебон савол назари билан боққанларида Расули Акрам уларга: «Менинг ва саҳобаларимнинг йўлини тутганлар», деб марҳамат қилганлар. Заллат йўлига кирган фирқаларнинг ўзаги аслида еттига бўлиб, улар муътазила, шиъа, хавориж муржийя, нажзорийя, жабрийя ва, нихоят, мушаббиха деб юритилди. Бу фирқалар ўртасида юзага чиққан сузу турли ихтилофлар тўғрисида улар адади 72 га етгандир.

Индаллоси, бобокалоним Имом Раббоний бошлаб берган шаҳаранинг тарихий ҳужжатлар билан тасдиқ этилган силсиласи қуйидагича:

1. Имом Раббоний — шайх Аҳмад Форукий Сирхандий.
2. Ҳазрат эшон Мухаммад Маъсум.
3. Ҳужжатуллоҳ ҳазрат Мухаммад Нақшбанд.
4. Маҳдуми Худорасо шайх Мухаммад Порсо.
5. Орифи биллоҳ ҳазрати Мухаммад Расо.
6. Миён Фазл Аҳмад Маъсумий.
7. Миён Фазл Умар.
8. Миён Фазл Вали.
9. Миён Фазл Алим.
10. Миён Хомидхон қори.

Миён Содик Раббоний

Мақоладаги фикрларга қўйилмади, айнан бизнинг дилимиздаги гаплар уртага ташланган. Биз истикомат қилаётган Сирғали-4 17-уйда яшовчилар 1 июлдан то шу кунгача 10—15 кунлаб тез-тез иссиқ сувсиз қийналиб қоладиган бўлди. Сабаби уйимиз атрофини ураб турган темир гаражлар айнан шу иссиқ ва совуқ сув трубалари утган жойининг устига қурилган экан. Ҳатто уйларимизда шу пайтгача «иссиқлик» ҳам бу

БОЛАЛАР МАЙДОНЛАРИНИ БЎШАТИНГ!

«АЙБ ФАҚАТ УЙИНҚАРОҚ БОЛАЛАРДАМИ?»

(«Оила ва жамият» — 40-сон)

мади. Охири қанча асаббузарликлардан кейин гараж олинди, трубалар таъмирланди.

Савол туғилади, нима учун ҳокимиятдагилар иссиқ ва со

вуқ сув трубалари утган жойдан гараж қуриш учун рўхсатнома беришади? (Гаражлар ҳокимият рўхсатномаси билан қурилган экан). Ҳамма куп қаватли уйларда аҳвол шундай: уй

лар олдини темир гаражлар билан ураб олишган, болалар майдончалари панжаралар билан тўсылган. Ахир ҳокимиятдагилар қавққа қарашади. Улар куп қаватли уйларга га

ражлар ўрнатиш учун махсус жойлар ажратишса бўлмайдими? Аини пайтда эса тешиқари бўлапти. Бадмалар узлари хоҳлаган жойга гаражларини қуришади-да, кейин ҳокимиятдан рўхсатнома (ҳар эҳтимом-га қарши) олишади. Бу ўзбошимчаликларга қачон чек қўйилади, халқнинг ҳақ талабига ким жавоб беради?

Сайёра ЗУПАРОВА,
Тошкент шаҳар, Сирғали-4
мавзеи, 17-уй, 44-хонадон

БИР БОШПАНАМ БЎЛСА-БЎЛДИ...

«Мен 1983 йил Ҳолбеков Рустамжонга турмушга чиқдим. 6 йил бирга яшаб, 1989 йил оёқ-қули ишламай, тўшаққа михлаиб қолди. 1990 йил шафқатсиз улим болаларимнинг дадасини олиб

кетди. Турмуш ўртоғим вафотидан 3 ой кейин қайнотам мени онамнинг уйига ҳайдади.

Лекин чиққан қиз чигириқдан ташқари, деган гап бор. Бу ерда ҳам мен ўз тинчимни топол

мадим. 1993 йил Косонсой тумани ҳокими қарори билан уйнинг бир қисмига қонуний меросхўр эканлигим тасдиқланди. Уйга киритиб қўйишди. Қайнотам яна ҳайдаб чиқарди. 3 болам билан

яна сарсон-саргардон қолдим. Хуллас, шароитим жуда огир. Шу масалада менга ёрдам берсанглар. Майли, болаларимни ўзим катта қилиб оламан. Бир бошпанам бўлса бўлди.

Сизлардан мадад кутиб: Иминова Илминисо»

ТАҲРИРИЯТДАН: Уч фарзанднинг онаси Илминисо Иминова арзи холи юзасидан Косонсой тумани ҳокимияти чоратадбир қуради ва натижаси ҳақида таҳририятимизни огоҳ этади, деб кутиб қоламиз.

«БИЗ ҲАҚИМИЗДА КИМ ЎЙЛАЙДИ?»

«Ушбу мактубни сизларга, Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Дилқушод кишлоғидан, бир дунё ташвишу, умид билан йўлламоқдамиз. Кишлоғимизда ун мингдан зиёд аҳоли яшайди. Қишнинг изгиринли кунлари яқинлашгани сари бизнинг ҳам ташвишимиз ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Мача икки ойдири, қишлоғимизда на газ, на электр энергияси бор. Негизда бундай бўлапти, деган саволимизга жавоб битта. Шундай буйруқ бор дейишади. Ку

пинча эрталаб ва кечқурун электр энергияси ўзиб қўйилади. Радио ва телевизор ишламаганлиги сабабли кундалик аниқлик ва дунё хабарларидан беҳабармиз.


Табий газ масаласида-ку, гапиришни ўзимизга эп қурмаймиз. Фақат ёз ойларида «зангори олов»дан баҳраманд бўламиз. Ҳолос. Сентябрь ойидан яна кунимиз учоққа олов қалашга қолади. Газ қувурлари тортилган, фақат улар қурғазма учун ҳолос. Ҳатто тоза ичимлик сувимиз ҳам белгиланган вақтда оқади.

Биз кимга ва қерга муро

жаат қилишимизни билмай қолдик. Эҳтимол сизларнинг ёрдамингиз тегар.

Д. КАЛАНДАРОВ
Г. ТЕМИРОВ
А. ИЛЯМИНОВ
М. МАДАМИНОВ.
жами 26 имзо»

ТАҲРИРИЯТДАН: Дилқушод кишлоғи аҳолисининг ушбу ташвиши мактуби Хўжаобод тумани раҳбарияти томонидан атрофчица урганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилади, деган умиддамиз.



ДУНЁДА БОР ЭКАН МУҲАББАТ!

(Боши ўтган сонларда).

— Қизим, аслида сени бахтсиз қилган менман, кечир қизим! Энди, у остонага қайтиб қадам босмайсан, менинг қизим ерга тушиб қолгани йўқ. Эринг уз эрлик шаънини. ор-номусини уйламаптими, ундай номард билан узок яшолмайсан. Уйда қол қизим, агар бизни десанг қайтиб борма. Улар келса, мен узим гаплашаман.

— Улар сизнинг фермангизни олиб қўйишмайдими? — секин юрак ютиб сурадим, чунки менинг бахтим, келажғим, бутун тақдиримнинг шодлиғу қувончлари, муҳаббатимнинг ширин кўз ёшлари шу фермага алмашилган эди-да. Дадам менинг фикримни ўқиб олдилар шекилли, олдимга келиб бошимни силарканлар, секин дедилар: — Мен айбдорман қизим, бир умр сенинг олдинда айбдорман. Ферман эса мен аллақачон «Ҳақиқат» колхозининг тасарруфига ўтказганман. Бу тарафидан ҳечам ғам ема, уларнинг қўлларидан энди ҳеч нима келмайди.

Эртаси куни Бахтиёр ота-онаси билан келди. Ҳовлимизда катта жанжал бўлди. Мен бечора уйнинг ичкариги хонасида утириб дағ-дағ қилиб қалтирайман. Жанжалдан иш битмаслигини сезишди шекилли, бироз ўтиб ялғини ёлворибга тушишди. Дадам уларни гап ўқмасликда ва виждонсиз, ор-номусини йўқотганликда айблаб, уйдан ҳайдаб чиқарди.

Шундан кейин яна уз уйимда яшай бошладим, яна эски, кунгилда яширин хаёллар билан кун ўтказардим. Кўп ўтмай қишлоқда шов-шув тарқалди. Совхоз директори қамалибди. Унинг икки машинаси, янги курган участкасини ва совхознинг қўйларни билан юрган 120 та қўйини давлат ҳисобига ўтказишбди.

Орадан икки ой ўтиб, қу-

зим ёриб қизчалик бўлдим. Афсус, ўғил бўлмади-да, Жавоҳир акамнинг исмини кўярдим. Қизимнинг исмини Дилнора деб қўйдим. Тугруқхонада ўтганимда аям англик, дея хабар топиб келдилар.

— Эски қўшимизнинг ўғли, синфдошинг бор-у, исми нима эди-я, хаҳ отинг қурсин...

Юрагим бир қалқиб кетди, сал қолди Жавоҳир акамнинг исмини айтиб юборишимга. Зўрга узимни босиб қолдим.

—...Ҳа, Жавоҳирмиди, уша синфдошинг лотереядан «Нексия» машинаси ютибди. Қара, бахтли йигит экан, лекин нимагадир машина билан ҳам иши йўқ, хомшў юрадимиз-е, бир неча маротаба кўрдим-да, хайрон қолдим. Шу йигитнинг қандайдир касали борми-е, а қизим?

Аямнинг гапларини тингларканман, кўзларим аллақачон ёшга тўлганди. Узимни тўтиб туролмадим, йиглаб юбюриб, узимни аяжонининг бағрига ташлаб, юрагимни уртаб юрган дардини айтдим.

— У йигит юрак касал ая, мен касал қилдим.

— Нима...? Аям менинг бошимни кутариб қўзимга қараркан, бизнинг иккалаимиз ҳам муҳаббат дардига мубтало бўлганимизни энди сезгандилар. Афсус энди кеч эди.

— Нега шуни олдинроқ айтмадинг қизим? Айтганимда сенинг бахтингни деб, узим даданг билан гаплашиб қўларидим.

— Қўйинг ая, энди кеч бўлгач гапирининг, эслашнинг фойдаси йўқ.

Кўнлар, ойлар шу тариқа ўта бошлади. Қизим Дилнора ҳам катта бўлиб, юра бошлади. Менинг беваалигимни эшитиб ҳар тарафдан совчилар кела бошлади. Бирининг хотини ўлган, бирининг хотини ташлаб кетган, яна бирови эса мени иккинчи хотинликка олмақчи бўлиб, сураб келибди. На йиллашимни, на қулишимни билмасдим. Совчилар ке-

либ кетишгач аям бечора юрак ютиб мендан розилик суради.



— ...Ая, энди хотини ўлган

«Қўнларнинг
бирида...»
таълиғига

билан яшайманми?

— ...Иккинчи хотин бўлиб эримни кутаманми?

— ...Тегмайман, тегмайман. Ҳар гал аям бечора ҳеч нима демай чиқиб кетарди.

— Қизим, — дерди аям Ёлғиз қолганимда, Дилнорани бешикка белаб ухлатар пайтимда менга тикилиб. — Сен аёл кишисан, Ёлғиз яша-шинг, бу дунёдан тоқ ўтишини Аллоҳга ҳам ёқмайди. Кел-лаётган совчилардан бирининг этагини ушламасанг бир умр якка қолиб кетишинг мумкин.

— Ая, қуриб, билиб юриб-ман, бу уйда болам билан мен сизларга ортиқчалик қил-ляпман. Майли, эртага бола-ни оламан-да, шу уйингиздан чиқиб кетаман.

— Мен сенинг онангман, қизим, сенга кунглим оғриган-нидан, юрагим ачигшанидан гапираялман.

— Агар онам бўлсангиз ил-тимос сиздан, энди менга бу ҳақда гапирманг. Агар қизин-гизнинг яшашини истасангиз, уз қолимга қўйинг. Агар эр-дегани шунақа бўлса, энди Ёл-ғиз ўтганим бўлсин. Аям, қай-тиб бу маъзуда гапирмади. Ле-кин, бу тинчлик узокқа борма-ди. Дам олиш қўнларининг бирида синглимга нон синди-

рилиб, туй қуни белгиланди. Уша қуни кечки овқат маҳали дадам-яна мен ҳақимда гап очдилар:

— Аяси, катта қизингни ҳам олиб утиравеамизми?

Яна бошланди, дегандек дадамга бир қараб қўйдим. Дадам Дилнорани уйлатиб утираркан, сўзида давом эт-ди:

— Мана бу гудагинг угай отанинг фарқига бормасдан турмуш қурсанг булармиди. Ҳали ёшсан. Уз оиланг, уз уйинг бўлгани яхши, қизим.

— Бўлди дадаси, бу ҳақда гаплашганимиз, қизингизнинг хоҳиши йўқ, индаман! — дея зорланди онам.

— Йўқ, аяси, қизингнинг кун-гилга қарайдиган бўлсанг, нималар демайди. Бева қизи-ни олиб утирибди деб, одам-лар ҳам гапирарди.

Алашим келиб ўрнимдан ту-риб кетаётганим, дадам тўхтат-ди:

— Утир жойингга, мен сен-га ҳали жавоб берганим йўқ. Энди бўғи сенинг узингни қу-лингга қизим. Уз тақдирингни узинг ярат! Узинг ҳам яхши тушунасан, сен болаликсан, йигит кишидан совчи кел-майди. Келаятган совчилардан бирига аввал қўвгани кўргин-да, екса кейин майли рози бў-ларсан.

— Эрга тегмайман дада, уриб ўлдирсангиз ҳам тег-майман.

— Даданга гап қайтарма, тегасан! Агар мени десанг, ая-нгни, бизни шаънимизни уйла-санг тегасан!

Йиглаб узимни аямга ташла-дим. Аям бошимни силаркан дадамни феъл-атворини билга-ни учунми, менинг тарафимни ололмасди.

— Майли дада, мен сизлар-га ортиқчалик қилибманми, ке-таман боламини олиб...

— Ҳеч қайёққа кетмайсан, фақатгина оқ фотиҳа билан, туй-томоша билан кетасан. Бу гапни у қўлогинг билан ҳам, бу қўлогинг билан ҳам яхши-

лаб эшитиб ол. Агар кетади-ган бўлсанг мени, аянгни, икки синглингу-уканинг усти-га тупроқ торт-да, сўнг май-ли чиқиб кетавер. Номусдан кўра ўлганимиз дурустроқ.

Анча йилгадими, ҳамма жим. Фақат менинг овозим бу жимжитликни бузиб ту-рарди. Фақат қизчам Дилно-ра менинг олдимга эмаклаб келиб тирмашар, юзимни ушлаб раҳми келганимни юпатар, ҳозиргина дадам жа-қл билан гапирганини курга-ни учунми, уз фаҳмича бо-бон уришди, деб ўйлади шекилли бориб бобосини қўлчалари билан уриб ҳам келарди.

— Дада, мен сизни ту-шундим, бундан кейин ким-дан бўлмасин, биринчи кел-ган совчиға мендан сурамас-дан розилик бериб юбораве-ринг. Хоҳ у итдан, хоҳ бит-дан бўлсин, мен тегиб кета-вераман. Барибир менинг бахтим аллақачон паймол бўлган. уша учун ким билан яшашимнинг менга қизиги йўқ.

Қизимни олдим, кутариб уйга кириб кетдим. Тақдир дарёси энди мени қайси оролига, қайси соҳилига улоқтирар экан, деб уйлар-дим. Бир ойлар ўтиб синг-лимнинг туйи бўлди. Туй ба-хонаси билан келган катта-қўргонлик аммам тўйдан су-нг мени «болам билан яй-раб, уйнаб келади», деб ша-ҳарга олиб кетди. Амманинг эрлари «КАМАЗ» машина-сида узок жойларга юк та-ширди. Аммам мени олиб кетганининг сабаби ҳам поч-чам бир ойда деб, Россияга кетган экан. Бу ерга келиб озгина бўлса-да уйдаги ғав-голларни унутдим. Мени ша-ҳардаги ёки боғдаги курган шекилли, Жавоҳир акам ам-мамдан сурабди.

(Давоми бор).

Дилшод ҚҮЛДОШЕВ

Арзи ҳол

ҲАТТО КЕЧИРИМ СЎРАШМАДИ

Мен Қаршибоева Ойни-са бир кам 50 ёшданам. 9 фарзанднинг онасиман. Ҳаётим давомидида куп қийинчиликларни бошим-дан ўтказдим. Турмуш ўр-тоғим Қаршибоев Асрор, элим деб, юртим деб яша-ган фидойи инсонлардан эди. Раҳбарлик лавозимла-рида ишлаб келди. 1994 йили оғир хасталикка, яъни юрак касаллигига ча-линди. Акмал Икромов номли 26-совхоз 12-бўлим бошлиғи эди. Мен эса шу бўлимда ошпаз бўлиб иш-лар эдим. 7 нафар фар-зандимиз — бири механи-затор, бири звено бошли-ғи, бири сувчи, қолган ўғил-қизларим чопчики бў-либ оила пудрати асосида ишладди. Турмуш ўртоғим хасталангандан кейин мен қаровчи сифатида касалхо-

нама касалхона ёнида юр-дим. Кўргилик экан, начора 1997 йил 1 июнда вафот эт-ди. Энди ўзим ҳам юрак ка-сали ва ҳам асаб касалига чалиндим. Ҳозирда 2-гурӯх ногирони бўлиб яшаб юриб-ман. 1998 йили 5 яшар Жа-сур исмли наварам йўқилиб сон суюғи синиб кетди. Уни ҳам ўзим касалхонада олиб ётдим. Уни энди соғайтира бошласам, уйдаги учинчи келиним операция бўлиб қолди. Жарроҳларнинг оғир меҳнати, дориларнинг кучи билан келиним зўрга омон қолди. Жуда-жуда эзилдим ва қўйналдим. Асабларим таранг, юрагим чатоқ. Хо-зири кунда ҳам болаларга бос бўлиб юрибман. Кўн-лимга малҳамни ҳамиша меҳнатдан топишга ўрган-ганман. Нима бўлганда ҳам шукур қиладиган одамман.

Лекин яқинда ҳаётимда кўнглимни қаттиқ ранжитадиган бир воқеа юз берди. Гапнинг қисқаси, Жиззаҳ шахридан Ёшпўлат Содиқов номли 15-мактаб жамоаси ҳужалигимизга, пахта тери-мига ҳашарга келди. Рўзго-римизга яраша озроқ саб-зи, ошқовоқ эккан эдик. Ой-ламиз катта — 4 рўзгормиз, 11-та наварам бор.

Бир куни ҳашарчиларни ташийдиган автобусга йўл-йўлакай минсам мак-таб ўқувчилари фартукла-рида ошқовоқ олишволга-нини кўрдим. Мен уларга — «Ошқовоқ фақат бизни-нг пайкалда терилмай қол-ганди. Нега сурамай-нет-май олдиларинг?» — де-дим. Шунда қизлар бу қи-ликлари учун истихоло қи-чиш ўрнига уялмай: — «Сиз нима, ҳужайинми-

сиз? Далада узиб қўйил-ганидан кейин олавердик-да», — деб ҳурматсизлар-ча муомала қилишди. Туш-дан олдин ўқитувчи йигит даламиздан сабзи юлиб чиққанди. Менинг фигоним фалакка кутарилиб. Ўқитув-чилар — Сирожиiddин То-ғаев ва Аноркул Шодмонов-га қараб, «Ахир иссиққа қуй-иб совуққа қотиб меҳнат қи-либ етиштирган ҳосили-мизни олганда сизлар ҳам ўқитувчи булатуриб нега индамай турдиларинг», — деб қаттиқ танбеҳ бер-дим. Улар эса кечирим су-раш ўрнига, менга дағда-га қилишди, ҳатто авто-бусни тўхтатиб тушиб қоли-шимни талаб қилишди. Мен-га нисбатан оғизга олиб бўлмайдиган сўзларни гапи-ришди. Ҳатто қўл кутариш-

дан ҳам тоймайдиган ва-жоҳатлари бор эди. Улар 60 нафар ўқувчилари олди-да мени — оналари тенги аёлни, сансираб кўнглим-ни қаттиқ ранжитишди. Мен уйланиб қолдим, кек-са аёлга нисбатан ҳурмат-иззатни, муомалани бил-майдиган, узлари тар-бияга муҳтож бундай одамлар, улар келиб мендан кечирим сура-шармикан, деб кутдим. Афсуски бундай қилишма-ди. Менинг эса кўнглим жароҳатланди. Айтинг-чи, ўқитувчи деган унвонга лойиқми бу йигитлар?

Ойниса ҚАРШИБОВА,
Жиззаҳ вилояти,
Пахтакор тумани,
А. Икромов номли ижара
ширкат ҳужалиғи,
6-бўлим.

СИЗГА ОНАЛИК СЎЗИМ

«МЕН ЭНДИ НИМА ҚИЛАЙ?»

• («Оила ва жамият — 40-сон)»

Бобуржон! Севимли газетамиз орқали мактубингизни уқиб сизга бир она сифатида ўз маслаҳатини бермоқчиман. Аслида муҳаббат масаласида инсон-инсонга маслаҳат беролмайди, лекин наҳора...

Муҳаббатни узимча икки дилнинг ўтли дostonи дейишни истардим. Уни биттучи ҳам, уқитучи ҳам ўша оташли икки дилдир. Бу дostonни фақат икки дил қашф этади, унчиси ҳам бўлмасин, барбери ортқича. Агар билсангиз, севги самимийлики севади, севги покликни узиға мўқаддас нарсa деб билади. У маъсум туйғу, лекин исенкор. У рашкни, гумонни сезса тамом, олов оташдир. Бу оташда қимдир ёниши керак. Сизнинг ҳозирги ҳолатингиз, яъни Х.га бўлган соф муҳаббатингиз — сadoқатингиз бирла сиз у билан оила қуриш оstonасида турган экансиз. Лекин қизнинг сизга қилган ҳатти-ҳаракатини, ёнигиликни, ёнигиликни кечириб ўзинингизнинг йўл қўйишини? Қoлаверса, сиз у йиғитни ким эканлигини сураганингизда қизингизга тик қараб «сиз бoрмаган нарсани у

берди», — дея жавоб бериши бу сиз учун қанчалик оғир бўлгандир, йиғитли шаънингизга — орийатингизга қаттиқ теккандир. Бундан ҳаттоки уқангиз ҳам оғоҳ бўлса...

Сиз яқин ўртада Х. билан турмуш қурмоқчи экансиз. Лекин бу умр савдо-сидда яхши ўйлаб қуриб, адашмасдан оила қуриш керак. Аксинча инсонни кичик бир хатоси уни бир умр бахтсиз қилиб қўйиши мумкин. Қoлаверса, эрта-индин сиз билан умр йўлдоши — ётиқдош бўлиш арафасида турган қиз ҳали оstonаси тиллордан азиз хонадонингизга қандам қўймай туриб, биринчи жиёнатини қилибдими (бу жиёнат ҳисобланади) эртага сиз у билан яшаш даврингизда Х. агар сиздан ниманидир талаб қилса, шу пайтда сизни қўлингизда пул бўлади ё бўлмайди. Ахир оилада — рузгорда ҳар қандай шароит бўлади. Шу вақтда агар

сиз уни рад қилсангиз ёки маълул вақт кутишини айтсангиз унда Х. жиёнат қучасига қириқлиғига ишонасизми?

Йўқ, Бобуржон! Ёдингизда бўлсин, қатрадан буюн, томчилардан уммон ёсаиға қoдир бу юрак қўғруннинг ўзи қил устида туради. Жиёндақина гумон бу дилини қутариб турган қилни узиб юбoриши мумкин. Муҳаббат биноси икки устунда турса, шубҳа-гумон ана шу устунларни қулатади. Натижада бахт қасирини вайрон қилади. Қизлик ифратини, ибосини, ҳаёсини ҳамма нарсадан мўқаддас деб билимаган қиздан кейинчалик нимани қутиб мумкин? Эртага оила қўғруннингизда ташқаридан бўладиган гап-сулар, шубҳа-гумонлар турмушингизга дарз етказиши мумкин. Х.ни қилган хатоси тўғрилиш шидоҳек нозик қўғруннингиз кичик бир зарб билан қилларчин бўлади.

ди. Лекин унда кеч бўлади. Шундай экан, қура-била туриб хатога йўл қўймай. Кейинчалик буюн умрингиз давомида қийналиб ўтгандан қура яхшиси бунинг олдини олингда ундай вафосиз, ҳаёсиз қиздан кечиб қўя қoлинг.

Тўғри, сиз уни яхши қурасиз, ундан воз кечишингиз оson эмас. Лекин келинг, Бобуржон, қoлингизга қўқoқ тутинг, узингизни қўлга олинг-да Х. ни сизга қилган ҳатти-ҳаракатларини қўз олдингизга келтиринг. Кейинги оилавий бахтингизни яхшилаб ўйлаган ҳолда билиб қандам бoсинг. Ахс ҳолда ўз бахтсизлигингизга узингиз сабабчи бўлиб қoлманг.

Бобур, сиз ҳали ёшсиз, ҳаёт йўлингиз олдинда. Ҳаётда ҳеч қачон тушунлиққа тушманг, ёғуд ҳеч қандам абадий эмаслигини унутманг. Аксинча ўз қoдрингизни доимо қўқoри қўйинг. Муҳаб

батни шундай қoдлайдиган сиздек укамга ҳали ҳаётда вафoли, сadoқатли ёр насиб этади. Қўғрул хонадонингизга келинликнинг оғоқ ҳарир либoсидa ёғуд юз билан қандам қўйган келинчақ сизни бир умр бахтли қилиб, ҳаёт йўлингизни доимо нурафшон этади. Ана ушунда сиз ўсган хонадонда ота-онангиз орзулари қўғрушoвда, ёр-ёр навосийдан самолар титрасинлар. Узининг кичик бир мисрам билан мактубимга яқин ясмоқчиман

Бобурбек! Қoднингни баланд тут доим,
Тушқуликка тушма ҳаётда
ҳеч ҳам.
Дунё деб аталмиш бoзoрдин
бoзoр.
Унутма, вафoдорга вафo ёр,
ҳар дам.

Яхшиларга қўл узатгин,
Ёмонлардан тoнгин укам,
Тутмасдан бу дунёда
Қўёш қаби ёнгин ҳар дам!

Гулчехра МИРЗАХОНОВА,
Тошкент шаҳри.

НАРГИЗАХОНДЕК ҚИЗИМИЗ БЎЛСА...

«ДАДАЖОНИМ МЕҲРИГА ЗОРМАН»...

(«Оила ва жамият» 43-сон)

Мен 1973 йили уйланганман. 1975 йили феврал ойида қиз қурдим. Турмуш уртоғим билан хурсанд бўлиб отини Наргизга қўйдик. Аммо умри калта экан. Тўрт ойдан кейин ҳаётдан қўз юмди.

Ҳозир ёшим қирқ тўртта, тўрт ўғлим бор. Учтаси мактабни битириб яхши соҳаларда ишлаётти, кенжа ўғлим ун бирга қадам қўйди. Иккинчисини уйлантирдим. Фарзандли бўлишди. Иккови ҳам ўғилли. Келинларим ҳам мен ва турмуш уртоғимга қараб ҳижолат бўлишди. Зеро биз битта қизга зормиз.

«Менда қиз йўқ», деб турмуш уртоғим қизларни қўғрунда ҳавас қилиб юради. Мен узим бўлса йиғирма тўрт йилдан бери мактабда ишлайман, ўқувчи қизларга қаттиқроқ гапиришга қўғрулим бўлмайди, қизларни ҳамиша аяйман.

Наргизанинг дил ихзорини уйдагиларга ўқиб бердим. Турмуш уртоғимнинг ҳам, ҳатто ўғилларимнинг ҳам қўғруларидан ёш чиқиб кетди. Агар вақтлароқ билганимда Тошкентга бoриб турмуш уртоғим билан қасалхонадаги Наргизани қўғруиб келган бўлар эдик.

Ана энди ҳар кун ўғилларим, хусусан кенжа ўғлим,

Комилжон: — «Жон дадажон, Бухорога бoриб Наргизани олиб келинг», — менга сингил бўлсин», деб ҳoли-жонимга қўймайди. Турмуш уртоғим ҳам, узим ҳам Наргизани қиз қилиб олсак, вояга етказиб уй-жойли қилиб, қўғрули бўлсак, ўғилларим эса битта сингилли бўлдиқ деб, хурсанд бўлиб қўғрушса, деб орзу қилдим. Тағин Наргизанинг ойиси бор, укаси бор. Ойиси Наргизахонни бизга фарзандликка бермасалар керак-да, — деб ўйлаймиз.

Наргизахон, қизим асло ҳафа бўлманг. Буни қайтар дунё дерлар. Даданинг ҳам бир кун келиб қарийди. Оёқларими, бошларими оғриб қoлса, сизнинг йўлингизга интизор бўлиб, сиз қандай қасалхонада деразадан қараб қўғруиб ўтирган бўлсангиз, у ҳам сизни йиғлаб-йиғлаб қутади. Буни ҳаётда қўғруялмиз ҳам, эски китобларда ўқиялмиз ҳам, қариялардан эшитаялмиз ҳам.

Билмадик, дадангиз қайси виждон билан қўғруибди — олий мактабни битириб, ўзи тинчлик посбони бўлиб? Ҳали бирон марта қасал бўлиб ётмаган бўлса керак. Ҳозирча майли, пули куп, дустларни куп. Майли, ойингиздан каттиқ ранжиган бўлса бoриб, тоғида ҳаётда бу ҳам бўлиб туради. Лекин сизда нима гуноҳ?

Ўзи қасалхонага бoрмаса,

автомобиль назоратчиси экан, бир кило олма олиб бирон шофёрга бoриб юбoрса ҳам сизни қасалхонадаги аҳолинингиздан хабардор бўлган бўлар эди-ку. Мусулмон бандаси ҳам шунчалар қаттиқ қўғруил бўладими? Дарвоқе, отангизнинг ҳозирча иши куп бўлса керак, газета-журнал ўқишга ҳам вақти йўқдир. Агар ўқиганларидан Президентимиз Исроом ҚАРИМОВнинг мана бу сузларини ўқиб, ўзи учун маъни олган бўларди:

«Одамзод дунёда жуда куп қасбу ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Қўғрувич, деҳқон, бoғбон, шoир, олим бўлиб ном қoзониши, мол-мулк, бойлик орттириши мумкин. Лекин Аллоҳ таоло инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуг бурч бoрки, уни дунёдаги ҳеч бир нарсa билан қиёслаб бўлмайди.

Бу фарзанд қуриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту савoдот эмас, балки яратганинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир».

Зoиджон Мирзабеков
Фаргона вилояти Сўх тумани, 4-ўрта мактаб
ўқитувчиси

Турмуш чорраҳаларида

БИЗ СИЗНИ СОҒИНДИК, ДАДАЖОН!

Мана тўққиз ой бўлибдики, дадажонимдан ном-нишон йўқ. Ўша маъшул кунда қўғруни аёлга узрли мактубини ташлаб чиқиб кетганича қайтиб келмади.

Кейинги пайтлар дадам куп ичадиган, онам билан, биз билан маслаҳатлашмайдиган бўлиб қoлди. Ёш-лиқдан ушиб-ўлғайган, каттақон бир оила бемалол яшаса бўладиган ҳoвлимизни биздан бекитишга қўғрушимизга сотиб юбoрган. Ҳозир биз икки хонали уйда саккиз киши жон сақлаялмиз: Қандай яшайганимизни айтмасак ҳам бўлаверади.

Ҳаммасидан ҳам онамга

қийин бўлди. Шунча йил бирга яшаб бир ётиққа бош қўғруган кишиси бир кечада гойиб бўлиб қoлса... Ахир дадам ҳам онамни ёру қўғрука ишонмасди-да. Дадамни ўйлаб сиқилверганидан қўғруларига парда тушиб яхши қўғрулмайдиган бўлиб қoлган. Ҳозир қасалхонада. Ойжон, сиқилманг, мана мен, акаларим бор, ҳаммаси яхши бўлиб кетади десам: «Бoламининг олиб келганини ўйлаб ейман, эримнинг топганини уйнаб ейман», — дейди.

Шу кўғруларда мени тўғруим бўлиши керак. Тўғруи дадам тоғилса кейин қиламиз, деб тўғрутиб турибмиз. Ахир ота фотихасини олмай оstonа ҳат-

лаган қизнинг бахти қўғрулармикан?...

Ҳозир дадам 52 ёшга кирдилар. Исмлари Туравой. Агар фарзандларим мени кечирмайди, деб ўйлаётган бўлсалар хато қиладилар... Ахир биз на аза очилишимизни, на тўғру бошланишимизни билмай қoлдик. Дадажон! Агар бу ёғуд оламда соғ-саломат юрган бўлсангиз ўғлимизга қайтинг, бағримизни тўғрудиринг. Сиз бизга керак-сиз, онажонимни ҳаётга қайтаринг. Ойламиз номидан илтижо қиламан. Қайтинг! Биз сизни жудаям соғиндик, дадажон!

АЗИЗА

Тақдир

КЕЧИККАН БАХТ

...Агар сен она бўлсанг, бундан ҳам очилиб кетсанг кераг-ов. Гули. Сиз бу гапни куп айтардингиз. Чунки соҳангиз ўқитувчилик, чиرويли сузлар тоғиб гапирардингиз. Мен бўлса шу сузларингизга махлиб бўлиб бахтимдан миннатдор бўлардим. Доим эркалаб «Гулим» дердингиз. Биз бахтли яшардик.

Аммо... Шу «аммо» бўлмаганда эди. Охиригиз кун уйдан чиқиб кетишимизни сураганингизда, аҳолинингизни тушундим. Турмуш қўғрунимизга беш йил бўлибди. Лекин мен сизга оталик бахтини беролмадим. Йўқ, сиз ҳеч қачон бу айбимни юзимга солмадингиз. Чунки, мени севаб, авайлардингиз. Сунгги суз ҳам ўша уқангиз Баҳром ўғилчалик бўлган кун оғзингиздан чиқиб кетди.

— Менга тўғрумайдиган хотин керакмас. Қачон қарасам, қасалсан, сендан қура ўша ҳoламнинг қизини олсам бўларкан. Бор чиқиб кет, бу уйда сени иккинчи марта қўғрумай. Мен бошқага ўйланаман.

Ётган жойимда тахтадек қoтиб қoлдим. Бир дардим икки бўлди. Шифокорлар асабийлашмаслигим ва узимни бир маромда тутишимни тайинлашганди. Буни яхши билардингиз. Биламан, шу кун маст эдингиз. Шунинг учун ҳам бу гапларни мардлик қилиб айтдингиз. Шундоқ ҳам дардингиз ичингиздалигини сезардим. Мен ҳам қийналар, азoб чекардим. Мен ҳам она бўлишни хоҳлардим. Бироқ, минг афсус, худодан ҳам зўғрумизми?

Кетар куним ҳoвлини айланди, сизни изладим. Аммо тоғрулмадим. Қўғрунмасликка ҳаракат қилдингиз чоғи? Шу кун сизни қанчалар қўғругим, оёғингизга бош ўғруиб йиғлагим келганини билганингизда эди. Уйга келганимга бир ой тўғрумай, ўйланганингизни эшитдим. Шу кун қилган ёмон ишимни биласизми? Мен узимни осдим! Ушунда билдим, бахтининг қанчалик ширинлигини, рашк-муҳаббат нима эканлигини! Шундагина сизни узимдан йироқда билдим. Мен ўчун омондаги ой бўлдингиз. Биринчи

марта қаттиқ, жуда қаттиқ қиз-ғoдним сизни.

Кузимни очганимда онам бошимда йиғлаб утирарди.

— Нималар қилдинг, болам. Бургага аччиқ қилиб қўғрупани қўғруидасанми? Ё қариганимда азoбга ташлаб кетмоқчимидинг? Қўғруларидagi ёшни, оғоқ оқланган деворга, қўғрулига ўланган оsма уқoлга қараб шифоҳонада эканлигини билдим. Онам нималардир деб овуниб ҳам қoлдилар. Сунг юзимга қараб, «Бахтиёр келиб кетди», — дедилар. Мен ҳайроню лoл қoлдим. Наҳот сиз келдингиз? Мени қўғругани келдингизми, яна келасизми... Ҳавлимни хонага кирган ҳамшира бўлиб юбoрди. Қўғруимдан қон олапти-ю, ҳеч оғриқ сезмайман. Гўё арши аёғoда юргандек сездим узимни. Онам кеча келиб кетганингизни, бир ярим сутка узимни билмай ётганимни айтдилар. Негадир шу тоғда, сизни яна қўғругим келиб қoлди.

Орадан кўғрулар утди. Бироқ қайта келмадингиз. Бир кун палата врачимиз Бoну Ҳамидовга кириб ҳoл-аҳвол сурадилар. У киши қасаллик варақамни қўғруиб чиқидилар-да, қўғруимни маҳкам қисиб, «Гулижон. табриклайман, соғ-омон бўлинг», — дедилар. Нимага бундай деганларига тушунмаганимни сездилар чоғи қўғруиб «она бўласиз» дея бағриларига бoсганча йиғлаб юбoрдилар.

Танамдаги барча оғриқлар унутилди. Қўғрудек ёнғил сездим узимни. Худди шу тоғда узининг бoғрулигини сездирмоқчидай мурғаккина қалб ҳам питирлаб қўғруди. Энди мен шу жажжитина инсон учун ҳам яшашим керак...

Кўғруларим сизсиз утаётган бўлса ҳам жудаям бахтлиман, ниятимга етдим. Сиз ҳам эшитдингизми? Тўғрумайдиган хотин керакмас, дегандингиз. Гарчи кеч бўлса-да бу бахтдан маҳрум бўлмадим. Ҳар оқшом тезроқ дунёга келишга интилаётган муҳаббатимиз нишонаси ҳақида ўйлаётиб, сизни эслайман. Фақат бир сузингиз қайта-қайта ёдимга тушади:

«Агар сен она бўлсанг, бундан ҳам очилиб кетсанг кераг-ов, Гули».

Бахти ОЧИЛОВА

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз волидаимиз УМИДАХОН!
Сизни таваллуд айёмингиз билан
чин қалбдан табриклаймиз!
Сизга соғлиқ, узоқ-умр ва бахт-
саодат тилаймиз.
Фарзандларингиз: Нажиба, Нар-
гиза, Саидазиз.

Турмуш ўртоғингиз
Шоҳсуюржон

**Азиз сингилжоним Шаро-
патова Маъмура Исахонов-
на!**

Сизни таваллуд кунингиз
билан чин қалбдан қут-
лайман. Ишларингизда
омадлар, оилангизга ти-
нчлик-тотувлик ва осойиш-
талиқ тилайман.

Опангиз М. Шаропатова



Хурматли ДИЛБАРХОН!
Сизни 15 — декабр тавал-
луд топган кунингиз билан му-
боракбод этиб, узоқ умр, ба-
хт-саодат тилаймиз. Юзингиз-
дан доимо табассум аримасин.
Қайнонангиз Қундузхон, тур-
муш ўртоғингиз Бахтиёрхон,
фарзандларингиз Ботиржон ва
Ферузахонлар

КИЙИМИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА ЯРАШАДИМИ? Фикр

Атрофга боқаман, одамлар-
ни кузатаман. Кимнингдир ўзи-
га ярашиб уни янада савлатли
қилиб турган либосидан кун-
глим кутарилса, кимнингдир ёш
була туриб қол-қора либослар-
га бурканиб олганидан ранжий
бошлайман. Қадамларимни са-
наб, ҳазонлар товушига қулоқ
тутиб борар эканман, ҳаёлла-
римни ярим ялангоч оёқлар
булиб юборади. Назаримда гу-
заллик узини йўқотиб қўйган-
дек.

Яна билмадим, бу ҳақда
кимлар қандай уйлайди-ю, қан-
дай фикр билдиради.

Арофат РУЗИЕВА — ҳуқуқ-
шунос.

Авалло қалб гузаллигига ни-
ма ётсин. Бундай гузаллик сиз-
ни ўзингиз билмаган дунёларга
ошно қилади. Чиройли либос-
лар, тилло тақинчоқларга ҳаддан
ошириб зеб берган аёллар би-
лан очилиб гаплаша олмайман.
Узим тақинчоқларга унчалик
руйхуш бермаганлигим учун хи-
жолат чекаман. Назаримда суҳ-
батдошим билан ўртағимиздаги са-
мимиятни нимадир яшириб тур-
гандай бўлаверади. Аёлни, уму-
ман инсонни ким ва қандай ҳу-
лқ эгаси эканлигини унинг кий-
ган либосига қараб билиб олиш
мумкин.

Бир ҳисобда бу эътибор бер-
маса ҳам бўладиган даражадаги
ҳодиса. Аммо қулгина ана шу

оддий деб қаралган нарсалар
кишиллар ҳаётида муҳим рол
уйнаб қолади. Баъзи одамлар
билан бир маротаба гаплашган-
нингиздаёқ, фикр қуламингиз
кенгайди. Баъзи аёллар эса гап-
ни «сандиғини очидан бошлаб,
уни ёпиш» билан якунлайди.
Ахир болаларимизни ўқиб, илм
олишларига сарфланмай беки-
тиқча сандиқларга қўлланаётган
матолар дунёқарашимизни то-
райтириб юборадиқу.

Холида ХАСАНОВА — ши-
фокор.

— Баъзан куннинг иссиғида
кучада ёки бозорда кетаётганим-
гизда ялтироқ, на совуқ, на ис-
сиқ утказмайдиган матоларга

бурканиб олган аёлларга дуч ке-
ласиз. Ҳар жойнинг ўз тошу та-
розиси булгани каби кийимни
ҳам қабул қиладиган ва қабул
қилмайдиган давралар бўлади.
Менимча кийимни фаслларга
ёки об-ҳавога, агар иш жойида
бўлса бошқаларнинг ҳам кайфия-
тига мослаб кийиниш зарур. Ял-
тироқ матоларни кўпроқ халқ
сайлларига, маҳалла тўйларига
кийиб борган яхшироқ.

Фароғат НИЗОМОВА —
журналист.

Бошқа аёлларни билмадим
— агарда мен янги либос кий-
сам кайфиятим кутарилиб, ўша
кунги иш унумим, атрофдаги-
лар билан муомалам ҳам бош-
қача бўлади. Лекин кийган ли-

босим ранги, фасони ёшим-
га мос тушмаса ўша кийим-
дан воз кечишга ҳаракат қи-
ламан. Баъзи аёллар гавда
тузилишлари тула бўла ту-
риб ёшларига муносиб қи-
либ тикилмаган қўйлақларни
кийиб унинг торлигидан
қийналиб юрадилар. Уни кур-
ган одамнинг ҳаёлидан:
«Ёшига мос тушмабди, яраш-
мабди», деган уй утади. Ҳар
кун янги кийим кияман, деб
инсон узини қийитиб қўйиши
шарт эмас. Чунки охирида
босган қадамимиздан тортиб,
гапирган гапларимизу, кий-
ган либосларимизнинг ҳам
ҳисоб-китоби, яъни жавоби
бўлади.

НИГОРА

Туш таъбирномаси

ТҲЙИМИЗ ЯХШИ УТДИ...

Онам гудаклик чоғида
онасидан етим қолиб ўгай
она қўлида катта бўлган.
Онам қанчалик меҳнатқаш,
чевар, чакқон ва эгичли бўл-
масин, барибир ўгай онанан
калтак ёб, қарғиш эшитма-
ган кунлари кам бўлган,
қийинчилик билан қийналиб
ўсган.

16 ёшида турмушга чиқ-
қан. 9 фарзандни ерга бе-
риб, 4 уғил, 4 қизга бош
бўлган. Мен эса энг кичик
фарзанди бўламан. 1995
йил менинг тўйим арафаси-
да қандай утаркин, қандай
буларкин, деб ўйлаб юр-
ганида бир кеча тушига отаси
кирибди. Гўёки, тирик ҳол-
да эшикдан кириб келиб
онам ётган кўрпага кирибди.
«Қизим, нега бунча кўп
уйлайсан, тўй яхши, зур у-
тади. Уйланмагин, мана мен
сенга қувват бергани кел-
дим. Кўнглингни тўқ тутгин,
— деган ва. — энди бориб
келинга ҳам куч-қувват бе-
рай», — (келини менинг
қайнонам — тоғамнинг хоти-
ни) деганча қийиб кетган.
Шу кун эрталаб уйғонсал-
лар кўнглилари тўқ, хотир-
жам эмиш. Тўйимиз ҳам ти-
нчгина, жуда яхши ўтди.
Онам бу тушини тўйдан кей-
ин айтиб берди. Ушанда бо-
бон онамга далда бериб
кетган экан.

Онамнинг ёшлигида тур-
мушга чиқиш арафасида кур-
ган тушлари ҳам ибратомуз.
Онам унаштирилиб қўйилган
вақтида отаси бир кун 2
қўйлақлик мато олиб келиб,
ўгай хотинига — бир қўйлақ-
ни ўзингга, бир қўйлақни

қизимга тикиб бергин, де-
ганлар. Хотини эса икки
қўйлақни ҳам ўзи тикиб кий-
ган. Онам эса бу ҳолдан ан-
ча хафа бўлиб, ўқиб ухлаб
қолган. Шунда онаси туши-
да келиб онамни қабристон
томон етаклаб кетган ва
«Мен онам бўламан, қўрқма-
гин», — деб гўрнинг ичига
олиб кирган. Онамнинг қу-
лига иккита тугун берган.
Бирида зебу-зийнат, тақин-
чоқлар эмиш. Иккинчисида
эса кийим-кечақлар бор
эмиш. «Мана буларни олгин,
сирра хафа бўлмагин. Булар
сенга умр бўйи етади», деб
онамни яна уйига келтириб
қўйибди. Шу тушлари ту-
файли онам ҳозирда 70 ёш-
ни қоралаб қолдилар ҳамки,
кийим-кечақ бу дунёнинг
утқинчи зиналарига берил-
масдан яхшиликни одат қи-
либ яшамоқдалар. Онам
айтадиларки, — «Болам, ме-
нинг бир қўлим доимо хай-
ру-саховат учун очик», —
деб. Мана онамнинг икки хо-
сиятли тушларини ёздим.
Ота-она доимо у дунёда
ҳам, бу дунёда ҳам фарзанд
учун ёниб, меҳр курсатиб
яшайди. Шу боис ота-она
хаёт булсалар фарзанд до-
имо уларнинг беиминат хиз-
матини қилмоқлиги, юқори
даражада илтифот курсатмо-
ғи керак. Марҳумлар кўнига
5 маротаба дастурхон ёзар
эканлар. Агарда фарзанд
беш вақт намоз ўқиб, ҳар
намозини охирида ота-она
хақига дуои фотиҳа ўқиса,
ўша дастурхонни турли ноз-
неъматлар билан тулдири-
шар экан.

Муҳиддин Холиқов

КАРЗ

Бир одам муҳтож бўлган-
да унга қарз бериб туриш
савоб. Лекин ҳозирги кун-
да катта иш бошлаш мақ-
садида қарз олиб, ишни
юрғизаолмай қарзини бе-
ришдан қочиб юрган ин-
сонлар кўплиги ҳақида бот-
бот эшитамиз. Шундай қи-
либ бирники мингга, минг-
ники туманга деганлари-
дек, одамларда ўзаро ишо-
н йўқолиб бормоқда.

Қарздорлик ҳисси ҳақи-
да ёза бошладимиз раҳмат-
ли бувимнинг қилган иш-
лари ёдимга тушди. У
пайтда мен мактаб ўқувчи-
си эдим. Туш пайти уйга
келсам, бувим қўлларини
ушлаб «оҳ-воҳ» қилиб ути-
рибдилар.

— Нима қилди бувижон,
— деганимда улар:

— Эски шаҳарга гўшт
олиб келгани борган эдим.
Қайтишимда поезд йўлини-
нг олдидаги зинадан йи-
қилдим. Билмадим, қўлим-
нинг суяги синдимми, чиқ-
димми қаттиқ оғрипти. Бир
румом билан маҳкам қилиб
боғлаб қўйгин, — дедилар.
Айтганларини қилатириб
койган бўлдим:

— Нима қилардингиз шу
совуқда (ҳа, дарвоқе ушан-
да киш эди) йўллар яхма-
лак бўлиб ётган бўлса. Гу-
штни адамнинг ўзлари
олиб келардилар.

— Отанг ҳам ёлғиз ўзи.
Унга югурса буниси қола-
ди. Узим тушақолувдим-да.

Ҳаммаси ҳам майли эди-я,
яна бозорга боришга тўғри
келади, — дедилар.

Мен ҳайрон бўлиб, улар-
га бироз тикилиб турдим-
да:

— Аҳволингизни қаранг.
Жонингиз оғриб турган бўл-
са. Йўқ, ҳеч қайёққа бор-
майсиз, — дедим қатъий
оҳангда.

Бувим эса:

— Бўл тезроқ, иссиқ
кийимларингни кий. Корон-
гу тушмасдан сен билан бо-
риб келаман. Гўшт олганим-
да қассобдан бир сум қарз
булиб қолдим. (У пайтда
бир сум қадри эди) Шу
бугун ташлаб келмасам бўл-
майди, иссиқ жонман
ахир... — дедилар.

Мен эса бувимга раҳмим
келиб:

— Қарзингизни эрта-ин-
дин бериб келарсиз, сал ту-
залиб олинг, — дедим.

— Йўқ, болам. Қарз ёмон
нарсас. Кечаси билан уйқум
келмайди бермасам, — де-
дилар.

Уша кунёқ бувим билан
қассобнинг пулини бериб,
бозордаги табибга чиққан
қўлларини солдириб келган
эдик.

Ҳа, қарздор бўлиш ёмон.
Уйқингда ҳам ҳаловат йўқ,
еган-ичганинг ичинга туш-
майди. Бироқ, ҳамма одам-
лар ҳам шундайми? Йўқ, бу
соҳада одамлар турлича иш
тутар эканлар. Мен бир аёл-
ни биламан, нима буюм ха-

рид қилса «Пулини
ойлик»-да бераман деб не-
ча-неча одамларга ваъда
беради-ю, ойлик берила-
диган кунни уни ҳеч ким то-
полмайди. Яна ваъдалар
берилаверади. Бир тани-
шим эса «қарз» бериб ту-
ринг, дейди-ю уни қайта-
риб бериш ҳақида уйла-
майди. Айримлар эса қарз
олгач «фалон кунни бера-
ман», — дейди-ю лафзиди
турмайди. Вақт ўтган сари
пулнинг қадри тушаверади.
Қарзга берилган пайтида
маълум бир қийматга эга
бўлган пул оддийгина айт-
ганда «бир пул» бўлади-қо-
лади.

Қарз берувчи ва қарз-
дорларнинг яна ҳар-хил-
лари бордир. Мен бил-
ганларимни ёзишимдан
мақсад одамлар ўртаси-
даги ишонч кўприги бу-
зилмасин. Бизни муҳтож-
ликдан қутқариб қарз
берган одамлар олдида
лафзимизни йўқотмай
қарзимизни ўз вақтида
эгасига қайтарайлик.
Акс ҳолда ўзаро ҳурмат,
ишонч йўқолиб, ҳеч ким
қарз бермайдиган бўла-
ди.

Сизнинг қарзингиз йўқ
бўлса керак-а, а, борми,
ундай бўлса ўзишга шоши-
линг.

Муҳайё МИРСАЙДОВА

Турмуш сабоқлари

БОР ЭДИМ МЕН ДУНЁДА, БОРЛИГИМНИ БИЛМАДИНГ

Куришимдан анча ёш куришимда, лекин ёшим 28 да. Ҳа, инкор қилолмайман, уша чиройли ибора (қари киз) билан орқаворотдан ата-ладиган ёшдаги турмушга чиқмаган, орзу-хаёл қилиб, лекин етиша олмаган ёрини умуман уйламай, кутмай қўйган қизман.

Ҳаётимда юз берган икки-бир-бирига ухшаш воқеалар менинг одамларга — йигитларга бўлган ишончимни барбод қилди.

Талабалик чоғларим бир домламиз: «Қизларжон, эҳтиёт бўлинглар, шоханшоҳ йигитлар йўқ ҳозир. Уларнинг ҳаммаси қаро ер остидан», — деб таъкидлардилар. Талаба-мусофир бўлиб неча яхши-ёмонни, неча алданган қизларни ҳам курдим. Уша атрофдаги воқеалар сабабини, еки узимдан ўтдим билмайман, ҳеч кимга кўнгил беролмадим. IV-курсда ўқирганим уйдагилар қистови билан борди-келдимиз бор, таниш оиланинг олдиндан мени ёқтириб юрган ўғли — Ю. билан танишдим. Севиб қолдим деб айтолмайман, севиб севилишни нақадар истаган бўлсам-да, афсус, бу туйғу мен учун бегона бўлди. Тугрироғи ҳаёлимдаги қаҳрамонини унинг қиёфасида яратишга ҳаракат қилдим, холос. Лекин минг афсус-ки...

Унинг феъл-атвори мавҳум эди, умуман уни тушунолмадим. Иккаламиз ҳам пойтахт-да ўқисак-да, у фақат уйга келганимизда телефон қилар, байрам, тугилган кунлардагина куришиб турар эдик. Бу орада мен ўқини тугаллаб келиб ишлай бошладим, унинг эса ана бир йил ўқиши бор эди. Уйдагилари менинг турмушга чиқиб кетишимдан ҳадиксирашар, доимо мендан бохабар бўлиб туришар, «бировни топиб юрмагин», деб таъкидлашарди. Чунки мен шаҳарга қатнаб ишлардим. Менинг ҳаёлимда умуман унақа фикрининг ўзи йўқ эди. Уйдагилар рози, худо рози дедим. Бу орада йил ҳам ўтди. У битириб келиб заводда инженер бўлиб ишлай бошладим. Ҳамон бегоналардек эдик, уртамизда қандайдир девор бордек эди, гўё.

Ёз кунларининг бирида ишдан келсам уйда катта тайёргарлик. Тугилган кунимнинг ҳар йили ҳам эсга олишадиган синфдош, курсдош дўстларим, дўгоналарим, яқинларим тулланишганди. Ю. ҳам уйдагилари билан кириб келишди. Ёркиной деган дўғонам Ю. ни қўриб: «Бахтинг бор экан, ёлғиз ўғил, ҳамма нарса уники экан, қўлдан чиқармагин», — деб қолди. Гапларига ҳайрон бўлдим. Чунки бунақа гаплар менинг ҳаёлимга ҳам

келмаганди. Ахир мен ички бир иккиланишлар билан, уйдагилар раъйига қарши боролмай юрардим. Шундан кейин Ёркиной доим негадир мендан Ю. ни сураб турадиган бўлди. Турли хил сабаб-воқеалар билан бўлиб 5 йил ҳам ўтиб кетди. Шунча йил таниш бўлсам-да Ю. ни умуман тушунолмадим. Кузда мазам бўлмай касалхонага тушиб қолдим. Шу орада Ю. нинг уйдагилари совчи бўлиб келишибди. Менинг касалхонадалигимни эшитишса-да, на уйдагилар ва на ўзи келди хабар олгани. Уйга эса келавериш, шошириб қўйишмабди — «20 кун ичида йигитириб оламиз», — деб. Қизик, тақдирингни боғламоқчи бўлган йигит сенга шунчалар бефарқ бўлса-одамга ёмон ботар экан. Бунчага ҳам иккиланишлар билан юрган кўнглим шундан кейин умуман улардан совиб кетди. Касалхонадан келиб онамга: «Унга турмушга чиқмайман, менинг ҳам орзу-ҳавасим бор, ердан чиққаним йўқ», — деб туриб олдим. Уйдагилар ҳам кўнглимга қарашди. У кейин телефон қилди: «Йўқ дебсиз, нега ундай қилдингиз?» — деб. «Ўзингиз сабабини олдинроқ изланг эди», — дедим. Бу воқеалардан хабардор Ёркинойнинг ҳам оёғи негадир бизникидан узилиб қолди. Бир йиллар ўтиб қолди. Шу вақт мобайнида Ю. доимо мен ҳақимда сураб суриштирарди, лекин ёнимга келишга журъат қилолмасди. Кейин «ажойиб» янгилик эшитдим. Уйдан таклифнома топиб олдим.

Ўқисам менга аталган экан. Даъфатан тушунмадим, миямга урилгандан кейин қараёт бўлиб қолдим. Кейин билсам Ёркиной доимо Ю. нинг ишонасига, уйига телефон қилиб турар экан. Унашилган бўла туриб тўғи бўлиши керак бўлган кўз, кўёв томонни қайтариб 20 кун ичида Ю. га тегиб кетди. Ўз дўгонанинг хиёнати ёмон ботар экан. Вақт утаверар экан. Бахтимни эса кўр кузлар билан излаб, бошқалар кўз ёши эвазига яратишни хоҳламадим. Уйда кенжа қизлигим, уйда келин йўқлиги учунми ота-онамни ташлаб кетишга сира қушим қиймасди. Юғриб-елиб укамни уйлантирдим. 28 кундан кейин отам (худо раҳмат қилсин) қайтиш қилиб қолдилар. Келинни роҳатини ҳам кўрмадилар. Сўянган тоғимдан айрилиб қолгандим. Куя-куя йилни ҳам ўтказдим. Уйиминг асл эгаси-келини келгандан кейин шаҳардаги уйимизга кўчдим. Жияним ўқишга кирганди, мен билан бирга тура бошлади. Ўзига шерик қилиб дўғонасини олиб келди. Ўзим ўқитувчилик қилаётган билим юртидаги ўқувчим. Мусофирчилик бошимдан ўтганлиги учун унга бемалол бизникида тураверишини айтдим. Лайло билан опа-сингилдек

бўлиб кетдик. Уйларига таклиф қилди, бордик. Лайлони уйдагилари тез-тез келиб ҳабар олиб туришарди. Бир кун гап орасида Лайло: «Уйдагиларга ёқиб қолибсиз, уйланимаган акам бор. Россияда. Келса сизни ўзимиз келин қиламиз», деб қолди. Ҳазилга олиб қўлиб қўяқолдим. Янги йил арафаси эди, 29 декабр кунни ишхонадагилар билан байрамни ўтказдик. Базмдан сунг 2 та қўн дўғонам билан бизникига келдик. Дастурхон атрофига энди ўтирган эдикки, эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Чикиб қарасам Лайло. Ҳайрон бўлдим. «Тез бўлинг, акам келдилар, пастда кўтиб турибдилар», деб шошира бошлади. Нима қилишимни билмайман, кўтилмаган ҳол. Дўғоналарим қўйишмади, ишончли одамлар-ку, балки маъқул келар», — дейишди. Хуллас қўйишмади. Кийиниб қичдим, танишдик. Кафега так-

Дил изҳори

лиф қилди. Шунақа қилиб ҳазиллар чинга айланиб кетди. Тугрироғи ота-онаси ёққанди менга, уларга меҳр қўйиб қолгандим. Уйдагилари астойдил тўйга тайёрлана бошлашди. Орада у тижорат ишларини давом эттиришга — Россияга кетди. Лайло уйдан бир кунни бир қўчоқ тикиш олиб келди: «Опам берворди, ўзингизники экан, тикар экансиз», — деб.

Лайлонинг Донохон деган яқин дўғонаси бор эди. У доимо меникига келиб турар, кўпинча қоларди. Донохон ҳамма галдан хабардор эди.

Лекин Лайло негадир узғариб қолди, ўқишга уйдан қатнай бошлади. Меникига ҳам келадиган бўлиб қолди. Бир кунни ўқишдан қайтиб 1-2 нарсаларини олиш учун уйга кирди. Қандайдир узғарган, самимий эмасди. Кўп утиролмади, ҳадеб кузларини олиб қочарди, кўп утирмай тез кетиб қолди. Кейин сабабини опам айтиб бердилар. Мен дастурхон тузатгани чиққанимда, гаплашибди. Акаси келибди, уйланимас эмиш. Яна Россияга қайтиб кетибди. Кейин билсам, бу бир баҳона экан холос. У ҳеч қайқа кетмас, ҳатто уйланаётган экан. Яна кимга денг — Донохонга... «Опа-жон, сизни қанчалар яхши кўрамыз, сизга ҳавасимиз келадим», деб юрган талаба сингилларимдан хиёнат қўраётгандим. Уларни яхши кўрадим, қўлимдан келганча фақат ёрдам қилишга ҳаракат қилганман. Муғамбир, фарибгар, хиёнаткор қизлар! Мен сингилларим деб, қўйнимда илонлар сақлаган эканман. Ишхонада мен ҳақда ортиқча гап-сузлар юра бошлади.

Начора, текис йўлнинг ҳам унқир-чункири бўлганидек,

ҳаёт бир текис бўлмас экан. Шунча ёшга кириб бировга озор берган инсон эмасман. Айбим: сочим калта, ёшим калта, эсимни таниб қолганлигимда экан. Гап одамнинг ташқи куриниши, кийиний ўзига қараб юришида эмас-ку... Аввалоси одамнинг қалби пок, гўзал бўлсин. Қолаверса ўша йигит билан ёшимиз тенг эди, холос.

Мен йигитлар учун қўйганим йўқ. Улар иккиси ҳам қўйишимга арзимайди. Аксинча тақдирим қўйишмаганидан хурсандман. Менга оғир ботгани, дўғонам билан сингилларим деб билган қизларнинг юзимга оёқ босишгани, дўстлигининг, самимийлигининг, ишончнинг йўқлиги. Кутишга арзимайдиганларни деб ўтган йилларимга ачинаман. Ваҳоланки, чиройли орзуим бор эди: «Қайнота-қайнонам бўлса, уларга келин эмас, қизларидек бўлсам. Хоки-пойларини қўзимга суртиб, хизматларини қилсам, дуоларини олсам. Қайинука, қайинсингилларим бўлса, улар билан опа-сингил, опа-укадек бўлиб яшасам. Биламанки ака-укани, опа-сингилни бирлаштирадиган ҳам, ажратадиган ҳам-бу аёл! Улардан меҳримни аямасам, яхши уй бекаси, яхши аёл, энг муҳими яхши она бўлсам»...

Мен сўнгги орзуимдан ҳам жудо бўлдим. Орзу унга етолмаганим учун ҳам орзу экан, армон экан. Шуни билдим-ки бу дунёда фақат манфаат бор экан. Бўйдоқми, оғзи қўйганим-ҳар кимнинг инсофини берсин экан. Фақат онажонимга юрагим эзилади, мунгайган кузларига қаролмайман. «Ахир мен уларнинг буйниларидаги узилмаган қараман»...

Менинг йигитларга айтар сузим шундай: «Билингки, ёши ўтиб қолган қизлар «қари» бўлиб қолишганига қарамай ҳар қанақа пастликка, — узларини сотишга, ифлосликка боравермайдилар. Тугри, инкор қилмайман, ҳозирги вақтда йигит-қизлар ўртасида ҳаётга енгил қарайдиганлар кўплаб топилади. Лекин беш қўл баробар эмас-ку. Ўша ёши ўтаётган қизларга, ёмон йўлни таклиф қилишдан олдин уйлаб қўринг. Уларнинг қанақалигини бир-икки гаплашиб, самимий гап-сузларидан билиб олишингиз мумкин. Дилларига озор бериб, ўзингиздан нафратлантирмang. Сизнинг ҳам опангиз, сингилнингиз бординг»...

Сизларда танлаш имконияти катта, сал иккиланса: «Ниманга ноз қиласан, ҳа сендан бошқа йўқми, қадамда қиз», — дейсиз. Қизлар эса албатта ногирон бўлса ҳам диёнатлиси, мардини уратса турмушга чиқади, ўша йигитни бахтли қилишга ҳаракат қилади. Лекин ногирон қизга уйланган биронта мард йигитни кўрмадим.

«Оила ва жамият»нинг 41-сонида Дилшод Маткубованинг Ҳафиза опага (қари қизга) бит-

ган мактубини ўқиб қолдим. Д. Маткубова қари қизларнинг дил сирини кўпчиликка ошкор этишини қоралабдилар. Менимча бу уят иш эмас, фоҳишалик-уят. Қари қизларнинг ички дунёсини тушунамай туриб хулоса чиқарман. Ўша сиз айтгандай сабр қилиб, умид қилиб, бировга айтишга уялиб, орият қилиб балки шу ёшгача етиб келишган. Сизга ухшаб сохта таскин билдиришларни жуда кўп эшитадим, қари қизлар. Лекин улардан не наф? Ҳаётлари тула-туқислигидан битмагандирлар мактубларини. Мазам бўлмай даволаниб юганимда, даволоччи врач бир дўсти борлигини, хотини оламдан ўтиб, икки гўдаги қолганлигини, икки йилдан бўён қийналиб юганини айтди. «Дўстимга турмушга чиқмайсизми?» — деди. Менга оғир ботгани йўқ. Икки гўдак ҳаққи-қурмати рози бўлгандим, уларга меҳримни бермоқчийдим. Ўша врачнинг ўзи эса фарзандсиз, болалари турмас экан. Феъл-атворимни, ички дунёمنى билгандан кейин, хотини билан ажрашиб менга ўзи уйланоқчи бўлди. Дўстига меҳрибончилик қилаётган одам, ўз манфаатини уйлаб кетди. Рози бўлмадим. Тугри қилдимки, хато қилдимки билмайман. Ёки юзимдаги пардани йиртиб, фақат ўзимни уйлашим керакмиди, билмадим. Балки ҳаммаси яхшиликкадир. Нима бўлганда ҳам ким ҳақ, ким ноҳақ-тепада Худо қўриб турибди. Тақдирлайдиган ҳам, жазолайдиган ҳам ёлғиз Парвардигор!

Ҳозир пойтахтдаман. Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг у ерларда қолишга ориятим йўл қўймади. Ўзига яраша обрў-эътиборни жойда ишлаяпман. Ишим қизиқарли, муҳими турт мучам соғ. Ҳаётимни, уй-ҳаёлларимни ошкор қилганим учун кимдир устидан кулар, кимдир мени тушунар. Энди бу ёғи газетхонлар ҳукмига ҳавола. Мен ҳам эртақлар эшитиб, ўқиб, ҳаёлан «Чолиқуши-ю» «Кумуш» бўлиб воёга етгандим. Афсус, ҳақиқий ҳаёт бошқа-ю эртағу ҳаёллар олами бошқа экан.

Зебо Мирзаеванинг бир шеърини севиб ўқирдим: «Бор эканда, йўқ экан, Бир малика бор экан. Шаҳзодаси узоқда Бир кўрмоққа зор экан. Бор эканда, йўқ экан... Бор эдим мен дунёда. Борлигимни билмадинг. Тугаб қолди эртақлар, Номардим-а, келмадинг... Эртақлар ҳам, орзулар ҳам тугади. Бегубор покиза қаср харабага айланди, қулга айланди. Нафис гулгунчалар очилмай, топпалдиган. Шаҳзода эса етти қават ер остидан мангу уйкуда»...

Қамоли эҳтиром ила —
МАРВАРИД

Ш
Е
Ъ
Р
И
Я
Т



АЁЛ ЕНГСА ҚАЙҒУЛАРИН...

Дардларимни юрагимга яшираман,
Сен уларнинг давосини тополмайсан.
Изтиробим сатрларга яшираман,
Сен барибир ундан маъно уқолмайсан.

Юрагимда хасратларим ёнар чоғи,
Кузларимда порлаб турар табассумлар,
Кўз ёшларим ювса-да ҳеч кетмас доғи,
Садоқатим чаманлари сенсиз сўлар.

Аёл енгса, қайғуларин кулиб-кулиб,
Дунё йиғлар айтолмасдан дардларини,
Замин эса айланади қайтмас бўлиб,
Йироқларга олиб кетар мардларини.

Азиз дунё. Дардларингдан тенгсиз бўлиб,
Хасратлардан тўлган азим денгиз бўлиб,
Ҳеч ким мени тушунмади гулдек сўлдим,
Сени десам кундузларим қаро бўлиб,
Лайли бўлиб Мажнунидан сўзлаб-сўзлаб,

БУ ДУНЁДАН ЎТИБ КЕТАЙ СЕНИ ИЗЛАБ...

Сахроларга қайтиб кетай сени излаб.

Бирпас чархингни қуй дунё, кетаверсин,
Хижрон отлиғ кунларимиз ўтаверсин,
Унинг қушин тутаверсин, чузиқ қўлим,
Мунглиғ кўнглим бахтни кутса кутаверсин.
Армонлардан Кумуш каби бўзлаб-бўзлаб,
Бу дунёдан ўтиб кетай сени излаб...

ШОИРГА

Хаёлимда сенинг сувратинг танҳо,
Изларинг изладим, соғиндим, қўйдим.
Севги бор дунёда дедиму, аммо,
Севги борлигига ишонмай қўйдим.

Менинг мағрур бошим эгмок қасдида,
Ҳиёнат-ла қалбим тилсанг-да кўндим.
Ишонч хақида сўз очма. Дунёда —
Ишонч борлигига ишонмай қўйдим.

Сени Кумушбиби садокати-ла,
Минг балога дучор бўлсам-да, суйдим,
Энди сен ишонч-у ишқдан сўзлама,
Сенинг борлигинга ишонмай қўйдим...

ТУШЛАРГА ЎХШАЙДИ...

Хижрон саҳросида олиб-югуриб,
Тушларга ўхшайди сени топганим.
Саробмисан? Ўзим ҳар ёнга уриб,
Умидсиз дунёда излаб чопганим.

Саробдек алдама, ишонган дўстим —
Осонмас, севгида ўзингдан кечмок!
Титрар, армон тиги санчилган кўксим,
Оғирлик қилади, сени йўқотмок!..
Тушларга ўхшайди сени топганим...

Басира САЙИД АЛИ

ЛАҚАБИ БОРМИ?

(ҳажвия)

Эрталаб уйда зерикиб кучага чиқдим, телевизор-да яхши курсатув бўлаётир шекилли, кучада ҳеч ким кўринмайди, осойишта. Кучанинг икки тарафига экилган теракларнинг ям-яшил япроқлари енгил шабадада тебраниб, шилдирайди. Уларга маҳлиё бўлиб тикилиб турган эдим. Шу пайт ёнимга мотоцикль келиб тухтади. Ундан одам қиёфасидаги бир нарсга лапанглаб тушди. Ёнимга келиб пишиллаб тухтаб пойгадан келаётгандек ҳансираганича менга мурожаат қилди:

— Ассалому алайкум, ака. Кечирасиз, шу қишлоқликмисиз?

— Ҳа, шу ерликман, келинг ука, хизмат, — дедим уни саломига алик олиб.

— Мен қўшни ҳужалиқдан бўламан, Жуманазар деган одам керак эди, уни ҳовлиси қаердалигини курсата олмайсизми? Тўйга айтгани келган эдим.

Уни башарасига қараб туриб, танимадим, аввал курмаганман.

— Уша Жуманазар деган одамни лақаби борми? — сурадим нотаниш одамдан.

— Қанақанги лақаб? — ҳайрон бўлиб суради ҳа-лиги одам. — Лақаби борлигини билмайман.

— Ҳайрон бўлманг, ука, — дедим кулиб, — бу қишлоқда икки-учта исми бир хил одамлар бор, уларни бир-биридан ажратиш учун бизлар лақаб қўйганмиз.

— Э, шунақа демайсизми, ака, — деди янги та-нишим ҳам кулиб.

— Мана шу йўлдан тўғрига юрасиз, қўшни маҳаллага чиқасиз, уша маҳаллада қур Жуманазар де-гани бор. Озгина тўғрига юриб, кейин унга бури-либ, бироз юрсангиз бошқа маҳалладан чиқасиз, унда кал Жуманазар бор. Мана шу маҳаллада соғ Жуманазар бор. Уша одам қаршингизда турибди, — дедим курагимга уриб. — Ҳуш сизга қайси Жу-маназар керак?

У менга қараб турди-да, кулиб:

— Раҳмат ака, менга кал Жуманазар керак экан, — деди ва мотоциклга утириб ўнг тарафдаги маҳаллага жунади.

Жонибек Содиқов

(Боши ўтган сонларда)

— Унақада шу ерга олиб келиб беришни иложи йўқми, синглим? — суради Таманно ҳижолатомуз оҳангда.

— Майли, — жилмайди ҳамшира, — ўзим олиб келиб бераман. Сиз куп уйламанг, куп сиқилманг! Ҳаммаси ўтиб кетади. Ҳаммаси яхши бўла-ди, Таманно опа! Ҳали қурма-гандек бўлиб кетасиз!

— Айтганингиз келсин, — синиққўна табассум қилди Та-манно.

Аслида «Наркология» ши-фохонасида ётган бошқа бе-морлар қатори Таманно ҳам умумий ошхонага чиқиши ке-рак эди. Лекин буну ўзи ис-тамади. Курганларнинг «Ия, раққоса Таманно Қодирова-ку?», «Во-ой, нега кўринмай кетди десак, хоним буюбда ётган эканлар-да?», «Ҳа, худо уриб қўйибди-да!» дейишля-ридан, одамларнинг киноя-омуз, таҳқири қарашляри-дан, «Ҳалиям ҳусни жойида-я, қуриб кетмагурни! Бояқиш наркоман бўлиб қолган экан-да», деган юрмисик гап-сўзля-ридан чўчиди. Тинчгина шу ерда, хонасида утиргани маъкул...

Эркин УСМОНОВ

А Ж А Л Х И Ё Б О Н И

(Саргузашт-мистик қисса)

Уша жувон қутилмаганда ки-ноактёр Азамат Шариповнинг хотини бўлиб чиқди. Илгари уни қурмагани-билмагани учун-ми, шундай машхур, кетворган йигитнинг хотини ҳам курган кузни қўйдирадиган офатижон аёл бўлса керак деб ўйлаган-ди. Йўқ, истараси иссиғу, ле-кин кўримсизгина жувон экан. Аллақайси мактабда ўқитувчи-лик қиларкан. «Топган хотини-ни-чи», — деганди ушанда у уз-узига, қарнисидаги жувон-нинг ҳазин бир паришонлик соя ташлаган чехрасига куз югуртиб.

Таманно шу ҳаёллар билан ўрнидан турдию, дераза ёни-га борди. Ташқарида куз ҳавоси сези-либ қолган, баҳори ўтган, сар-ғайиб, қовжираган битта-ярим-та япроқлар капалаклар янглиғ пирпираб ўчиб юришар ва ём-ғирдан кейин қорайиб асфальт йўл сатҳига ўнсиз-содосиз кун-моқда эдилар.

Таманно йўлкага бир лаҳза қараб қолдию, беихтиёр театр орқасидаги хилват хиббонни, уша ерда ўзини йўқлаб келган нотаниш жувонни, унинг маъ-юс ва ғамгин кузларини, айт-ган сузларини эслади. Эсла-дию, ғалати бўлиб кетди.

Ушанда ҳам эрта куз эди. Худди бугунгидек куз ҳавоси сезилиб қолган, бандидан узилган заъфарон япроқлар худди адашиб-ўлоқиб, қаёққа бош уришини билмай оёқ о-стида зир югуриб юрган кезлар эди.

Таманно Азаматни ҳали мак-табда, юқори синфда ўқитган кезлариеқ орқаваротдан би-лар, у тушган фильмларни бит-та қўймай қуриб юярди. Аза-матнинг келишган қадди-кома-ти, ҳар бир нарсасга жиддий ва сокин қарайдиган уйчан кузля-ри, алланечук шиддатга тўла юзлари уни узиға мафтун этиб қўйган эди.

Орадан йиллар ўтди. Ўзи ҳам Санъат институтига ўқиш-га кирди. Раққоса бўлди. Ху-до уни ҳусндан ҳам, қадди-қо-матдан ҳам қисмаган эди. Тез орада оғизга тушди. Ҳали та-лабалигидаёқ янги ташкил этилган рақс ансамблига так-лиф қилишди. Уша кезлари кунда-кунора телевизор экан-лариди пайдо бўлар, унинг иштирокидаги концертлар эл оғизга тушиб кетганди. Ҳатто бир машхур ҳофиз «Мен қў-шиқ айтай жушиб, Таманнохон ўйнасин» деган ашула ҳам иж-ро этганди. Кейин-кейин чет эл сафарлари бошланди. Ҳали Япония, ҳали Америка деган-дек... Уша кезлари Таманнога оғиз солганлар ҳам куп бўлди. Лекин у турмушга чиқишни истамади. Тўғрироғи, бола қу-ришдан, ўйга-рўзгорга урала-шиб, аниқроғи тўққан қадди-қомати бузилиб, қаримсиқ бў-либ қолишдан ҳавотир олди.

Шу тахлит орадан йиллар

ўтди. Одам боласи нимадан-дир кечсагина, нимагадир эришиши мумкин экан.

Таманно бирин-кетин ун-вонлару-мукофотларга сазо-вор бўла бошлади. Лекин ҳа-мон ёлғиз эди. Ота-онаси ва укалари Шахристонда, ўзи эса ана шу сершовқин ва бе-шафқат шаҳарга ипсиз боғла-ниб қолганди. Уни тўғилган юртига олиб кетмоқчи ҳам бўлишди. Уртага катта-хатта одамлар тушди. Лекин у уна-мади. «Провинциал раққоса» бўлиб қолишдан чўчиди.

Худди уша кезлари тақдир уни Азамат билан тўқнаштир-ди. Ушанда Туркияга гастрол-сафари билан боришганди. Азамат ҳамкорликда олинаёт-ган қандайдир саргузашт фильмида сурагга тушаётган экан. Танишишди. Бир неча кун бирга бўлишди. Шундоқ машхур, шундоқ уктам, оила-ли йигит Таманнонинг олди-да ёш боладек бўлди-қолди. Ёт деса ётади, тур деса ту-ради. Ҳолбуки, уша кезлари Таманнонинг битта қизчаси бор, унинг отаси қимлигини ёлғиз узю-Худо биларди хо-лос...

(Давоми бор)

Оила ва жамият

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Бопалар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Шуоримиз:
Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темуր кўчаси,
1-тор куча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти -20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0618
23990 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Комил ТОШ.